Yangi O‘zbekistonni birgalikda quramiz!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 21-NOYABR, PAYSHANBA, 46 (836)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Мунозара

Қонунчилик палатасининг шаъни ва обрўсини шубҳа остига қўювчи баёнот

ёки Алишер Қодировнинг чиқишидан муддао не ўзи?

Маълумки, бир неча кун олдин сиёсий партиялар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда блогер Хушнудбек Худойбердиев сиёсий партиялар раҳбарларига бир қатор саволларни бериб, у Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитовга “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларда фермер ва деҳқон хўжаликларининг мазкур кенгашга мажбурий аъзолигининг белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эканлигини айтиб, бу ҳолатга партиямиз раисидан ўз муносабатини билдиришни сўраганди.

Биринчи навбатда, ушбу саволга шахсан мен депутат сифатида ўз муносабатимни билдирар эканман, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳозирги кунда ўтказилаётган сайловолди дебатларида аксар ҳолларда, айниқса, блогерлар савол беришганда, қисқа, лўнда “ҳа” ёки “йўқ” деган жавобни кутишади. Бу мутлақо нотўғри ёндашув. Чунки шундай саволлар борки, уларга батафсил жавоб бериш муайян вақтни, яъни батафсил изоҳни ҳам талаб этади.

Айнан, блогер Хушнудбек Худойбердиев томонидан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А. Хаитовга берилган саволга бир томонлама қисқача жавоб бериш имконияти йўқ эди. Шунинг учун А. Хаитов ўз жавобида нафақат кўрсатув иштирокчиларига, балки ушбу кўрсатувни кузатиб бораётган миллионлаб ватандошларимизга нима сабабдан “Фермер хўжалиги тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларда фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга мажбурий аъзолигининг белгиланган юзасидан қонуний асосларни обдан тушунтириб берди ва бу масалада лозим бўлса қўшимча равишда ҳужжатларни ҳам тақдим этиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Лекин минг афсуски, бу мавзу юзасидан Қонунчилик палатаси депутати, “Миллий тикланиш” демократик партияси раҳбари, Спикер ўринбосари Алишер Қодировнинг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларда фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашга мажбурий аъзолигининг белгиланиши Ўзбекистон Конституциясига зидлиги тўғрисида билдирган фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Ваҳоланки, мазкур қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлардан “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг хабари бўлган-ку! Энг қизиғи, нима сабабдан бу масала ўша вақтдаёқ кўтарилмади ва тегишли муносабат билдирилмади? Ҳеч бўлмаса, ушбу масалани “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасида бирлашган Демократик блокда муҳокама қилиши мумкин эди-ку!

Бундан ташқари, мазкур партия раисининг бундай чала-чулпа хулосаси Қонунчилик палатаси шаъни ва ишчанлик обрўсига путур етказмайдими? Ёки юртдошларимиз орасида “Олий Мажлисдек нуфузли палата Ўзбекистон Конституциясига зид равишда қонунларни қабул қилар экану, унда биз нима учун қонунларга риоя қилишимиз керак” деган нотўғри фикрни шакллантирмайдими?

Бу масалада Алишер Қодировга мурожаат этиб айтмоқчиман: “Ахир, сизнинг ўзингиз ҳам ҳозирги кунда парламент муҳокамаларида қонунларни қабул қилиш қанчалик мураккаб жараён эканлигини яхши биласиз-ку! Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари холисона ёндашиб, қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр ёки таклифларини нафақат фракция йиғилишларида, балки Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишларида ҳам эркин равишда билдириб келишаётганидан наҳот сиз бехабар бўлсангиз? Фракциялар ўртасида соғлом рақобат тобора кучайиб бораётганидан нега кўз юмаяпсиз?

Энг ачинарлиси, бу фикр айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга тайёргарлик ишлари авж палласига кираётган бир пайтда айтилгани ғалати эмасми? Ахир, мамлакат халқи жиддий сиёсий синовдан ўтиш остонасида турган бир паллада, бундай асосланмаган, пуч фикрларингиз ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ”.

Мазкур масаланинг ҳуқуқий томонига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан бу масала батафсил ёритиб берилгани учун ортиқча изоҳ беришга ҳожат йўқ деб ҳисоблайман.

Мазкур кенгаш ўзининг ҳуқуқий мақоми бўйича нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Шундай экан, унинг биринчи галдаги вазифаси фермерларни, деҳқон хўжаликларини бирлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларида замонавий усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, қисқача айтганда, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга 2018 йилда йўллаган Мурожаатномасидаги қуйидаги ибратли сўзларни келтирмоқчиман: “Аграр соҳада энг катта муаммомиз бу – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир.

Бизга қишлоқ хўжалиги технологияларини мукаммал эгаллаган, замонавий ишлаб чиқариш усулларидан хабардор фермерлар сув билан ҳаводек зарур.

Фермерлар кенгаши Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирликлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиши, фермерларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур”.

Айнан шу каби долзарб вазифаларнинг тегишли давлат органлари билан биргаликда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳам амалий ижросини таъминлаб келмоқда. Албатта, яна такрорлайман, кенгаш нодавлат нотижорат ташкилоти, шунинг учун ҳам у аъзолик бадали ҳисобидан ўз фаолиятини юритади ва унинг ҳисобига келиб тушадиган маблағлар айнан кенгаш низомида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга сарфланади.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизга зид равишда қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, нима сабабдан Конституциявий суд ўз муносабатини билдирмади. Бундай масалаларни кўриб чиқиш ушбу суднинг вазифаси бўлиб, бу тўғридан-тўғри Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуҳрат БАФАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури (платформаси)

Янги, қудратли, очиқ ва рақобатбардош Ўзбекистон

Мақсадимиз аниқ ва унга эришиш йўлларини биламиз!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бу – мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг партиянинг VIII съездида қабул қилинган сайловолди дастури ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олган сиёсий кучдир. Ушбу мақсад йўлида биз барча имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Партия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, ор-номуси, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганини алоҳида эътироф этади. Энг муҳими, биз бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес ҳамжамияти, ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган олижаноб мақсадларга эришиш ғоялари атрофида жипслашаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ривожланишнинг ушбу босқичида жамият ва давлат ҳаётида эришилган марралар ва ютуқларни эътироф этган ҳолда **партия ўз олдига қуйидаги аниқ вазифаларни қўяди:**

– дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодиёти барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган, демократик давлатлари қаторига Ўзбекистоннинг киришини таъминлаш;

– дунёнинг аксарият мамлакатлари **“Тўртинчи саноат инқилоби” арафасида турган бир пайтда** Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлидан жадал ҳаракатланиши, “билимлар иқтисодиёти” ҳамда “рақамли иқтисодиёт”, “ахборот жамияти” шакллантирилишига эришиш;

– Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш;

– Ўзбекистонни урбанизация кўрсаткичи 60 фоизга етган, замонавий шаҳарлар, мегаполисларга эга, янги технологиялар ёрдамида бутун мамлакат бўйлаб турмушнинг бир хил юқори даражаси таъминлаган, эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш.

Ушбу мақсадларга либерал-демократия тамойиллари, шунингдек, **“Жадал янгиланишдан – жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнаши томон”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”,** “Монополиянинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўймаслик ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шахсий мулкни ҳурмат қилиш” каби тамойиллар амалга оширилган очиқ ва кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти шароитидагина эришиш мумкин. **Партиямизнинг бош қадриятлари – эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик ва имкониятлар тенглиги** биз учун дастуриламал бўлиб қолаверади.

Биз бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига юқори фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга ёшлар кириб келаётганини алоҳида эътироф этамиз. Партия халқнинг фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр, **янги, рақобатбардош ва халқаро ҳамжамият учун очиқ мамлакатни барпо этиш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга қодир, келажаги порлоқ, аҳил жамоага таянади.**

Биз уларга тўла ишонамиз, бўлажак сайловларда энг муносибларининг номзодларини илгари сурамиз, бор кучимизни ислоҳотларнинг натижаси ҳар бир инсон ва унинг оиласи ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши ва бу таъсирни улар бугунги кундаёқ сезишига йўналтирамиз.

2–4



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

5–8

AJ O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI
AJ “O‘ZTEMIRYO‘LYO‘LOVCHI”

Qulay, tez, ishonchli

Toshket – Moskva, Andijon – Moskva Toshkent – Qozon yo‘nalishlari uchun 2020-yil 2-yanvardan boshlab chegirmalar taqdim etadi:

SV va Kupe vagonlari uchun:

55 % chegirma – yo‘lovchi poyezdlari jo‘nab ketish vaqtiga 45 sutkadan 41 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
45 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 40 sutkadan 31 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
35 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 30 sutkadan 6 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa.

Plaskart vagonlari uchun:

45 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 45 sutkadan 41 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
35 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 40 sutkadan 31 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
25 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 30 sutkadan 6 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa ;
5 % chegirma – 5 sutkadan yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish kuniga qadar taqdim etiladi.

Toshket – Volgograd, Toshkent – Saratov, Toshkent – Novosibirsk, Toshkent – Ufa, Toshkent – Chelyabinsk yo‘nalishlari uchun 2020-yil 2-yanvardan boshlab chegirmalar taqdim etadi:

SV va Kupe vagonlari uchun:

60 % chegirma – yo‘lovchi poyezdlari jo‘nab ketish vaqtiga 45 sutkadan 41 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
40 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 40 sutkadan 31 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
35 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 30 sutkadan 6 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa.

Plaskart vagonlari uchun:

50 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 45 sutkadan 41 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
30 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 40 sutkadan 31 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
25 % chegirma – yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish vaqtiga 30 sutkadan 6 sutkagacha bo‘lgan muddatda chipta xarid qilinsa;
5 % chegirma – 5 sutkadan yo‘lovchi poyezdi jo‘nab ketish kuniga qadar taqdim etiladi.

Реклама

Тошкент (Марказий) – 1005. Тошкент (Жанубий) – 71-236-45-20. RAILWAY.UZ IZRAILPASS

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати партиясининг сайловолди

Бошланиши 1-саҳифада.

I. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА БОШҚАРУВ

Шахс, бизнес ва хусусий секторнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган профессионал парламент

Биз учун янги Ўзбекистон – кучли парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган ва “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойили амал қилаётган мамлакатдир.

Партиянинг бу борадаги устувор вазифалари қуйидагилардан иборат:

– парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, халқ ҳокимиятини янада кучайтириш. Биз парламент сайловларида ғалаба қозонган партия нафақат Бош вазир номзодини, балки парламент қуйи палатаси Спикери номзоди, Ҳукумат таркибини таклиф этиши, сайловларнинг пропорционал тизимига ўтиш, ҳокимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиқлигини таъминлаш мақсадида жамоат ва парламент назорати тўғрисидаги қонунларни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш каби ғоялар тарафдоримиз;

– қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности ҳужжатлари сонини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш. Партиянинг қатъий позицияси – бизга тўғридан-тўғри, бевосита ишлайдиган қонунлар керак ва қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхтатиш зарур;

– “қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи халқ экан, қонунлар инсон ва жамият ҳаётини яхшилаш, эркинлаштириш учун қабул қилинади”, деган олижаноб ғояни ҳаётга жорий этиш. Партия норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоат муҳокамасини ташкиллаштириш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни таклиф этади**;

– халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг муҳими, мазкур тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даромадларнинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда назорат қилиш бўйича масъулиятини кучайтириш. Биз халқ вакиллик органларининг фуқаролар учун очиқлигини таъминлаш, **“Электрон парламент”** ва **“Электрон халқ депутатлари кенгаши”** каби концепцияларни ҳаётга изчил татбиқ этиш тарафдоримиз.

Давлат бошқарувининг самарали ва барқарор тизими

Мақсадимиз – дунёнинг **давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган 30 та давлати қаторига Ўзбекистоннинг киришига эришиш.** Бизнинг қатъий позициямиз: давлат хизмати бу – фуқароларнинг профессионал хизмат фаолияти. Давлат хизматида ўз касбининг усталари ишлаши шарт. Бу – давлат бошқаруви тизимининг самарали ва сифатли фаолият юритиши, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш гаровидир!

Соҳадаги устувор вазифаларимиз қуйидагиларни назарда тутади:

– менежментнинг замонавий усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, аутсорсинг дастурларини амалга ошириш. Биз давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга, бошқарувнинг **инновацион, янада мослашувчан моделларини,** жумладан, лойиҳа моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва **жорий этишга** лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакилларини, кучли хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз. Партия “Давлат хизмати тўғрисида”, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига волонтёрлар (кўнгиллилар)ни кенг жалб этиш, уларни касбга йўналтириш борасида “Волонтёрлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади;

– маъмурий ислоҳотлар концепцияси қоидаларининг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши, ҳукумат, давлат институтлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлиги, давлат хизматларининг сифати ва тезкорлигини таъминлаш. Партия, хусусан, барча давлат хизматларини BPR (Business process reengineering – бизнес жараёнини қайта ташкил этиш) тизими асосида соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишга замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, “бир ойна” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматларини кенгайтириш;

– Ўзбекистоннинг изчил инновацион ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу соҳанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш ғоясини илгари сурамиз. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффофлиги, давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадлилиги каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаймиз.

Янги Ўзбекистон: “рақамли” ва ахборот жамиятига эга мамлакат

Партия ҳозирги ахборот жамияти шаклланиши шароитида, ахборот ва билимлар тараққиётнинг стратегик омилига айланган бир даврда мамлакат ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация ва “рақамли” технологиялар жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик жорий этилгани билан боғлиқ деб билади. Ушбу йўналишда биз қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз:

– “Рақамли Ўзбекистон 2030” дастурини жорий этиш, “катта маълумотлар” (“Big data”), “блокчейн”, “ақлли”, “хавфсиз” шаҳар, “интернет буюмлар” технологияларини кенг жорий қилиш, телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш. Ушбу асосда мамлакат ЯИМнинг 30 фоизга ўсиши ҳамда юртимизнинг “рақамли иқтисодиётга тайёрлик” ва “АКТ ривожланиши” халқаро индексlари бўйича илғор давлатлар қаторига киришини таъминлаш;

– мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ва интернет хизматлари нархини пасайтириш, ташқи интернет каналлари орқали интернет трафиклари сотиб олиш ва мамлакатга тарқатиш бўйича монополлашувга йўл қўймаслик;

– аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасида ўзаро самарали мулоқотни шакллантириш, ортиқча сансалорлик ва бюрократизмнинг олдини олишга қаратилган “Электрон ҳукумат” концепциясини изчил амалга ошириш;

– давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг ахборот ресурслари ва технологияларини янада тараққий эттириш, соҳада давлат-хусусий шерикчилик механизмини ривожлантириш. Хусусан, давлат кадастри ишларини юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштириш.

Ахборот соҳаси либераллашуви – жамият тараққиёти гарови

Партиянинг энг муҳим вазифаси ОАВни том маънодаги “тўртинчи ҳокимият”га, аҳоли эҳтиёжларини ҳокимият органларига етказишнинг таъсирчан воситаси, халқ ёрдамчисига, демократия кўзгусига айлантиришдан иборатдир. Давлат органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритиш ОАВ фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиб қолиши лозим.

Бу борада биз мамлакатимизнинг глобал ахборот маконига уйғун кириб бориши ва интеграциялашуви, халқаро ахборот алмашинуви соҳасида мавқеини мустаҳкамлаш, ахборот маконидаги бозор муносабатлари ва адолатли рақобатни ривожлантириш, рақобатбардош нодавлат медиа-гуруҳларнинг вужудга келиши ва миллий журналистика институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этамиз.

Кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига эга янги Ўзбекистон

Миллатнинг гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этилган шароитдагина эришиш мумкин. Бунда барча қарорларни қабул қилишда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари фикрлари инобатга олинади.

Айни пайтда партия ижтимоий шериклик ва жамоат назорати институтларининг изчил кучайтирилиши, бошқарув функцияларининг аксариятини халқнинг ўзига, жамоат бирлашмаларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига берилиши тарафдоридир. Партия соҳага оид миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг чуқур таҳлили ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қуйидагиларни таклиф этади:

– нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни қабул қилиш ҳамда халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг самарали ва таъсирчан шаклларини жорий этиш, уларни амалга ошириш механизмларини қонунда батафсил белгилаб қўйиш мақсадида **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги** қонунни қайта кўриб чиқиш;

– мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланишини, жамият институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда келгуси беш йилликда **мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясини** қабул қилиш.

Партия жамиятда адолат тантанаси тамойили амалга оширилишини таъминловчи фуқаролик институтларининг кенг тармоғи шакллантирилиши тарафдоридир. Биз давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Бу йўналишдаги устувор вазифамиз – фуқаролик жамияти институтларининг ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилиш, мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш – тўғридан-тўғри демократияни амалга оширишнинг асосий йўлидир. Биз жамоат бошқарувида маҳалла фаолияти аҳамияти ва самарадорлигини ошириш, уни халққа амалий ёрдам кўрсатувчи мустақил, кучли ва таъсирчан фуқаролик институтига айлантириш тарафдоримиз.

II. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Янги Ўзбекистон – қонун ва адолат устуворлиги тамойиллари амал киладиган мамлакат

Устувор вазифаларимиздан бири – **дунёдаги “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган 30 та давлат қаторига Ўзбекистоннинг** киришини таъминлаш ва аҳолининг адолатли судловга ишончини ошириш. Инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлов ҳолатини тубдан яхшилаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Мустақил ва адолатли суд ҳокимиятига ишончни мустаҳкамлаймиз!

Биз судга бўлган ишонч ва ҳурматни юксалтирамиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони – фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоялангани, адолатли судлов таъминлангани, якуний ва барқарор суд қарорларининг қабул қилинганидир.

Биз судлар фаолияти очиқлиги ва ошкоралигининг кучайтирилиши, **“электрон ва рақамли суд” концепциясининг амалга оширилиши,** судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ва ташкилотларда кўчма суд йиғилишлари ўтказилишини – адолатли суднинг гарови, деб биламиз.

Партия суд тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари суради:

– хусусий мулк дахлсизлигини, тадбиркорлик ва тадбиркорларни ишончли ҳимоялашни таъминлашда судларнинг ролини кучайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини бузиш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкалари ва хусусий мулк объектларини олиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни бекор қилиш бўйича қарорларнинг фақат суд томонидан қабул қилиниши, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида кўрган зарарлари борасидаги даъволари муддатларини бекор қилиш ва муддатсиз эканини кафолатлаш, шу мақсадда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

– “Хабеас корпус” институтининг қўлланилиши соҳасини янада кенгайтириш, суд мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини қайта кўриб чиқиб, оптималлаштириш. Прокуратура органларининг суд ҳужжатлари бўйича протест келтириш ваколатларини бекор қилиб, уларни тегишли қарорлар бўйича шикоят қилиш ҳуқуқига алмаштириш, прокуратура ваколатларидан унга хос бўлмаган вазифаларни чиқариб ташлаш, тегишли ваколатларни ижро ҳокимиятига бериш. Прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг холис мезонлари қонунда аниқ белгиланган бўлиши, ҳокимиятлар бўлинишининг Конституциявий тамойилидан келиб чиқиб Мажбурий ижро бюросини Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказиш зарур;

– вилоятлар миқёсидаги судларни оптималлаштириш, бирлаштириш, ягона суд раиси бўйсинувига ўтказиш. Хусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий, моддий ҳуқуққа оид ишлар ҳам амалда кўриб чиқилаётганини инобатга олиб, уларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш;

– суд буйруғи институтини такомиллаштириш, унинг айрим турлари ўрнига судгача ҳал этиш механизмларини жорий этиш ҳамда боқиманда қарздорликни суд орқали ундириш масаласи ва механизмларини қайта кўриб чиқиш;

– халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги борасидаги конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидаги тамойиллар ва нормаларнинг кенгроқ қўлланишига эришиш;

– суд тергови институтини такомиллаштириш, Судьялар олий кенгаши ваколатлари ва мақомини қайта кўриб чиқиш, унинг қарор ва хулосаларига нисбатан номзодларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутиш.

Мустақил адвокатура институти

Мақсадимиз – суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш. Тергов ва суднинг барча босқичларида, жиноий, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатнинг ролини ошириш асосий вазифаларимиздан саналади.

Адвокатура ва юридик хизматлар кўрсатиш институтларини ривожлантириш мақсадида партия қуйидагиларни таклиф этади:

– Адвокатлар палатасининг мустақиллигини амалда таъминлаш, унинг ҳузурида **Адвокатлар академиясини ташкил этиш**, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка муддати ҳақидаги талабни бекор қилиш, адлия тизимининг адвокатура соҳасига аралашувига чек қўйиш;

– адвокатура институти мустақиллиги, адвокатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқиш ва тегишли баҳо бериш масалаларида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш. Шу мақсадда **Олий Мажлис қуйи палатасида адвокатура институтини мустаҳкамлаш комиссиясини ташкил этиш**;

– нодавлат нотариат институти фаолиятини қайта тиклаш, кенг йўлга қўйиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив – электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш, нотариусларнинг нодавлат бирлашма шаклидаги ҳамжамиятини тузиш ҳамда **Нотариат тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрини ишлаб чиқиш**;

– юридик хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш, “Шартномавий ҳуқуқий база ва юридик хизмат тўғрисида”, “Текин юридик ёрдам тўғрисида”ги қонунларни ҳамда яхлит ҳуқуқий ҳимоя концепциясини ишлаб чиқиш, аҳоли онгида адвокатура ва нотариат институтларининг хизмат кўрсатувчи субъектлар экани тўғрисидаги қарашни шакллантириш, ушбу соҳада хусусий сектор ролини ошириш.

Коррупция устидан ғалаба қозониш ва “тоза қўллар” сиёсати

Мақсадимиз – коррупция устидан ғалаба қозониш, мамлакатимизнинг коррупцияни рад этадиган ва бу борада “ноль тоқатлилик”ка эришган давлатлар қаторига киришига эришиш. Бу борада биз қуйидагиларни таклиф этамиз:

– сиёсий арбоблар ва давлат хизматчиларининг маблағлари ва молк-мулклари ҳақидаги маълумотларни очиқлаштириш ва декларация қилишнинг янги тизимини жорий қилиш;

– давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш механизмларини кучайтириш мақсадида **“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунни ва** электрон харидлар тизимини такомиллаштириш;

– жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, қонунчиликдаги жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш;

– раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, парламентга ҳисобдор, Прокуратура, ИИВ, ДХХдан мустақил фаолият юритадиган алоҳида давлат органлари – **Коррупцияга қарши кураш ва Тергов департаментларини** ташкил этиш;

– парламент палаталаридаги коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталарининг ваколат ва функцияларини кучайтириш.

Янги Ўзбекистон – либерал қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакати

Биз маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва хўжалик қонунчилигини янада эркинлаштириш, айрим жиноий ҳаракатларни криминаллаштиришдан холи қилиш, тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигини либераллаштириш, жиноий жазолар ва улар ижросини инсонпарварлаштириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳririни ишлаб чиқиш, ювеналь юстицияни ривожлантириш, мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликни тубдан такомиллаштириш, дунёда тан олинган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий мақомлари, аутсорсинг механизмини жорий этиш каби илғор тажрибаларни қонунчилигимизга имплиментация қилишни таклиф этамиз.

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва онгини юксалтириш, жамиятда қонунни ҳурмат қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ушбу йўналишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги ташкил этилишини муҳим, деб биламиз. Шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “қонунда тақиқланмаган барча нарса мумкин” тамойилини ҳаётга татбиқ этишни таклиф этамиз.

III. ЭРКИН ВА РАҚОБАТБАРДОШ ИҚТИСОДИЁТ

Янги Ўзбекистон: рақобатбардош иқтисодиётга эга кучли давлат ва фаровон жамият

Биз давлат иқтисодий сиёсати самарадорлигининг бош мезони – мамлакат рақобатбардошлиги, фуқаролар ҳаёти сифати, оилалар фаровонлигининг ичил ва жадал юксалиши, деб биламиз.

Партия макроиқтисодий барқарорликни, барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган мўътадил ва қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Бунинг бирдан бир самарали йўли – бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, деб биламиз.

Биз иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, солиқ ставкаларини узоқ муддат ўзгармаслигини кафолатлаш ҳамда солиқ тўловчиларни бу борадаги ўзгаришлар юзасидан камида 2-3 йил олдин хабардор қилиш, тадбиркорлардан солиқ мажбуриятини тўлиқ бажаришни талаб қилиш билан бирга уларнинг манфаатларини тўла ҳимоялаш тарафдоримиз. Партия янги таҳрирдаги “Солиқ кодекси”га тегишли таклифлар киритиш ва **“Солиқ – 2025” стратегиясини ишлаб чиқиш лозим**, деб билади.

Қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит – барқарор ривожланиш гарови! Тадбиркорликка тўсқинлик – давлат сиёсатига тўсқинлик!

— Ўзбекистон Либерал-демократик дастури (платформаси)

Бошланиши 1, 2-саҳифаларда.

Партия Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш, саноатнинг юқори технологияли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат юритилиши тарафдоридир.

Энг муҳим вазифамиз – **Ўзбекистоннинг "Бизнесни юритиш", глобал рақобатбардошлик (GCI), инновациялар (GII), саноатнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 та мамлакати қаторидан ўрин эгаллашига кўмаклашиш**.

Партия қуйидагиларнинг амалга ошишини қўллаб-қувватлайди:

– бизнес юритишнинг олис истиқболга мўлжалланган имкониятини таъминлаш, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи юзлаб қонун ҳужжатлари мавжудлигини инобатга олиб ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида ягона **Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш**;

– инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг эркинлиги, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ягона **Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш**;

– Бизнес-омбудсман билан ҳамжиҳатликда ишлайдиган **Инвестицион омбудсман институтини** ташкил этиш, хорижий сармоядорлар учун тайёр инвестицион пакетларнинг электрон базасини шакллантириш ва тақдим этиш тизимини ишлаб чиқиш;

– янги эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжуд ҳудудлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, экспортни рағбатлантириш ҳамда кўмаклашиш орқали унинг номенклатураси ва географик маконини кенгайтириш;

– сармоя жалб қилишда "парламент, партия ва бизнес дипломатия"си институтларидан кенг фойдаланиш, қўшни мамлакатлар билан савдо айланмасини рағбатлантирувчи механизмни ривожлантириш;

– Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион йўлига ўтишини рағбатлантирувчи рақобатбардош бозорни шакллантириш, рақобатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг имкониятларни яратиш ва ички бозорнинг монополлашувига йўл қўймаслик, давлат-хусусий шерикчилигини такомиллаштириш – партия иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналиши. Давлат хизматлари сифатини ошириш, замонавий халқаро стандартлар ва корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, давлат харидларининг самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлат мулки хусусийлаштирилишини кенгайтириш ва соддалаштириш тарафдоримиз.

Ўрта ва кичик бизнес, эркин тадбиркорлик

Биз кичик бизнеснинг иш билан банд ходимлар сони, умумий пул айланмаси, саноатни ривожлантириш, иқтисодиётга инвестициялар киритилиши каби кўрсаткичлар ҳамда унинг саноат ишлаб чиқарилишидаги улушини кўпайтириш, унинг мамлакат ЯИМдаги ҳиссасини 80 фоизга етказиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, айниқса, уларнинг шаклланиш босқичида қўллаб-қувватлаш тарафдоримиз.

Партия:

– "Ҳар бир оила – тадбиркор" деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда фаол тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, мактабдан бошлаб олий таълим муассасаларида ҳам тадбиркорлик дарсларини ўтиш, тўгараклар ташкил этиш, жумладан, Тадбиркорлар академиясини, соҳага қизиқаётган ёшлар учун эса консалтинг марказларини ташкиллаштириш;

– ҳудудларда тадбиркорликнинг ривожланишига хизмат қилувчи инфратузилмаларни ҳар томонлама ривожлантириш, истиқболдаги ривожланиш стратегияларини белгилаш, шу мақсадда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишини кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш;

– экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш;

– кичик бизнеснинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва диверсификациялаш, маркетинг тизимини ислоҳ қилиш, инновацион ва стратегик бошқарувни такомиллаштириш, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, хорижда миллий брендларни фаол илгари суриш каби ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таклиф этмоқда.

Партия йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес ўртасидаги саноат кооперациясини ривожлантиришга, саноат гуруҳлари, кластерларини шакллантиришга йўналтирилган тизимли чораларни амалга оширади. Иқтисодий кластерлар, бизнес гуруҳлар, давлат мулкини бошқариш борасидаги қонунчиликни ривожлантириш бўйича таклифларни илгари суради.

Инновацияларнинг бош манбаи, саноат ва фан, ишлаб чиқариш ва бозор ўртасидаги боғловчи бўғин – бу кичик бизнес. Партия кичик инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чораларини таклиф этади. Энг муҳим вазифамиз – венчур корхоналар ва жамғармалар, "бизнес-фаришталар" – молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти ва "стартап"лар учун қулай шарт-шароитни яратишдан иборат. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришни таклиф этамиз.

Саноатлаштириш ва янги технологиялар – иқтисодиёт рақобатбардошлиги асоси!

Мақсадимиз – 2030 йилгача саноатнинг (кимё, геология, ёқилғи энергетика комплекси ва бошқалар) мамлакат ЯИМдаги улушини 40 фоизга етказиш ҳамда бугун дунёнинг кўп мамлакатлари "тўртинчи саноат инқилоби" арафасида турган пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини, мамлакатнинг инновацион ривожланиш, "билимлар иқтисодиёти" ва "рақамли иқтисодиёт"ни ривожлантириш йўлидан жадал ҳаракатланишини таъминлаш. Иқтисодиётда асосий ўринни хомашёга чуқур ишлов бериш асосида тайёр, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, якунланган технологик циклли ишлаб чиқариш эгаллаши лозим.

Партия, хусусан:

– ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, 2025 йилгача саноат корхоналаридаги 51 мингдан зиёд ускуналарни замонавийларига алмаштириш ҳамда шу асосда, жумладан, қўшилган қиймат яратишнинг ягона занжирини ҳосил қилиш, республикада ишлаб чиқарилаётган ип-калаванинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобидан тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш;

– саноатни инновацион асосда ташкиллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, илмий-технологик ҳамда инновацион тадбиркорликни барқарор ривожлантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришлар, ноу-хауларни ўзлаштириш, корхоналарда инновацияларнинг жорий қилиниши, технологиялар трансферини таъминлаш учун технополислар, технопарклар каби эркин иқтисодий ҳудудлар ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларининг барпо қилинишига йўналтирилган қонунчиликни яратиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш каби таклифларни илгари суради.

Биз, шунингдек, стратегик инвесторлар ва дунёнинг етакчи компаниялари иштирокида узоқ муддатли ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу дастурлар доирасида, жумладан:

– автомобилсозликни ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламлари фойдаланишига мўлжалланган енгил автомобилларнинг янада замонавий моделлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, енгил автомобиллар ишлаб чиқарилишининг маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 75 фоизга етказиш;

– атом фани, технологиялари ва энергиясидан хавфсиз фойдаланиш инфратузилмасини, ядровий ва энергетик машинасозликни, ядровий ёқилғи ишлаб чиқарилиши ва атом энергетикасини ривожлантириш асосида, хусусан, умумий қуввати 2,4 ГВт га тенг АЭС иншоотини бунёд этиш ва ундан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

– иқтисодиётнинг космик тармоғини ривожлантириш, фазовий ва ер сунъий йўлдошлари билан боғлиқ технологияларни ҳамда инновацион ғоя ва ишланмаларни жорий этиш, ер сунъий йўлдошлари алоқасининг миллий тармоғини, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ривожлантириш;

– "яшил иқтисодиёт"га ўтиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш орқали иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимдорлигини қисқартириш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, атом энергетикасини ривожлантириш. Шу асосда қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда 2025 йилга қадар электр ишлаб чиқаришни 20 фоизга кўпайтириш, мамлакатни ишончли, хавфсиз, тежамкор ва самарали электр энергия манбаи билан таъминлаш. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 20 минг мВтга етказиш ғоялари тарафдоримиз.

Фармацевтика саноатини ривожлантиришни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили, деб биламиз. Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, фармацевтик эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини ташкил этиш, саноат плантацияларини яратиш ва доривор ўсимликларни етиштириш каби мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида дори воситалари ва биологик фаол моддаларнинг ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Самарали сервис иқтисодиётига эга янги Ўзбекистон

Партия мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаси улушини жадал ривожлантириш эвазига аҳоли бандлиги ва оилалар фаровонлигини таъминлаш тарафдори. **Республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш вақти келди**, деб ҳисоблаймиз ва уни ҳаётга татбиқ этиш масаласини кун тартибига қўймоқдамиз. Бу борадаги энг муҳим стратегик йўналиш – туризмни ривожлантириш ҳисобланади. Устувор вазифаларимиздан бири – **Ўзбекистонни жаҳон туризмининг жозибали марказига айлантириш, юртимизни сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган дунёнинг 30 та давлати қаторига изчиллик билан киритиш.** Шу мақсадда туристик кластерларни яратиш, соҳага стратегик шерикларни жалб қилиш, туризм саноатини жадал ривожлантириш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларига олиб чиқиш (авиа ва темирйўл билетларининг онлайн тарзда сотилишини йўлга қўйиш, меҳмонхоналарни "бронлаш", Wi-Fi билан қамралган ҳудудлар сонини ошириш, биотуалетлар тармоғини ташкил этиш, ижарага автомобиль хизматини йўлга қўйиш (Rent a Car) кабиларни таклиф этамиз.

Бу йўналишдаги асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат: туризм равнақи учун махсус иқтисодий ҳудудларни яратиш, соҳанинг янги истиқболли турларини жадал ривожлантириш, туристик кластер, туристик зоналар, туристик индустриядаги хизматларни ташкил этишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, туристик инфратузилмани яхшилаш, туристик хизматлар кўрсатилиши соҳасига илғор жаҳон стандартларини жорий этиш, Low cost авиақатновларни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар учун қулайликлар яратишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш; туристик инфратузилма фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш – барқарор ривожланиш гарови

Мақсадимиз – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини 4 баробар ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти йиллик ҳажмини камида 5 миллиард АҚШ долларига етказиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача самарадорлигини ҳамда уларни ишлаб чиқарувчилар даромадини 2-3 баробар ошириш.

Биз тегишли йўналишлар бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширамиз:

– фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, қишлоқ аҳолиси ўртасида "Томорқа – қўшимча даромад манбаи!" шиорини кенг тарғиб қилиш, ер эгаларининг билим ва тажрибасини ошириш;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, органик қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот, озиқ-овқат, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш. Биз қишлоқларда кичик ишлаб чиқариш корхоналари тармоғи, қишлоқ хўжалиги кластерлари (агрокластерлар), кўп тармоқли фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, уларга чуқур ишлов бериш, транспортда ташиш ва сотиш (экспорт қилиш) бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари ("қишлоқ хўжалиги хаблари") тармоғини ривожлантиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш, **"Кластерлар фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш** ва бошқа амалий чораларни таклиф қиламиз;

– қишлоқда ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш, замонавий агротехнологиялар, селекция ва уруғчилик усулларини жорий қилиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишда ривожланган мамлакатлар даражасига етиш. Қишлоққа саноатни жалб қилиш тамойилини амалга ошириш, ҳар бир қишлоқда ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш корхоналари қуриш ғояларини илгари сурамиз;

– қишлоқ хўжалигида янада кўпроқ маҳсулдорликка эришиш мақсадида ҳудудларда ернинг балл бонитети ҳисобга олинган ҳолда экин турларини жойлаштириш, ҳудудларнинг ихтисослаштирилишини ҳаётга кенг жорий этиш;

– ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигига замонавий сув ва ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, **Сув кодексини ишлаб чиқиш**, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермерлар, деҳқон ва томорқа ер эгалари манфаатларига хизмат қилувчи кооперативлар ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш.

IV. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тўлиқ бандлик ва барча учун муносиб иш ўрни!

Партия мамлакатимизда ишсизлик, айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Фуқаролар бандлигини тўлиқ таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мувозанатланганлиги ва ривожланишига эришиш, ишсизлик даражасини қисқартириш – мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шарти. Биз "Тадбиркорлик – аҳоли бандлигининг гарови!" ғояси ҳаётимизга тўлиқ жорий этилишига интиламиз ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси амалиётини қўллаб-қувватлаймиз.

Партия мазкур йўналишда қуйидаги чора-тадбирларни таклиф этади:

– иш ўринлари захирасини яратиш, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар, ногирон шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа тоифалари, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришда янги усуллардан фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, реал иш ҳақининг барқарор ўсишига кўмаклашувчи солиқ сиёсатини амалга ошириш;

– оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалиги ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар оилавий бюджети даромадларини ошириш. Биз оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалиги ва хусусий бизнес билан машғул фуқароларнинг замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва материаллар харид қилиши учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини янада яхшилаш, уларга маркетингни ўргатиш ҳамда касаначилик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш мақсадида бюртмачиларни излаш, бозорда талаб катта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун тадбиркорликнинг бошқа субъектлари билан кооперацияга киришиши тарафдоримиз;

– бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлашишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш. Ўзбекистоннинг халқаро ишчи кучи бозорига босқичма-босқич кириб бориши, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, ўз уйи, оиласини ташлаб узоқ юртларда даромад топиш мақсадида ишлаётган юртдошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, жамиятда уларга нисбатан билдирилаётган ҳар қандай салбий муносабат ва фикрларга қарши туриш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида **"Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш**;

– жамиятдаги муаммоларга тадбиркорлик орқали ечим топишнинг самарали усули сифатида "ижтимоий тадбиркорлик"ни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш, устоз-шогирд анъанасини давом эттириш, рағбатлантириш.

Барча учун қулай, сифатли ва профессионал тиббиёт

Мақсадимиз – **Ўзбекистоннинг дунёда соғлиқни сақлаш тизимида юқори самарадорликка эришган энг илғор 30 та мамлакат қаторига кириши,** оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир қисмга, чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини - икки баробар, аҳоли ўртасида юрак-қон томир, онкологик касалликлар, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлардан ўлим ҳолатларини 30 фоизга камайишига эришиш. Ана шу мақсадларга эришиш учун партия қуйидаги устувор вазифаларни белгилаб олган:

– соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, суғурта соҳасини ривожлантириш ва аҳоли соғлигини суғурталаш тизимини жорий этиш, давлат-хусусий шериклик тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда тиббиёт туризмининг юксак халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш;

– мамлакат соғлиқни сақлаш тизими, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларни дунёдаги илғор мезонлар даражасига олиб чиқиш, касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва аҳолининг узоқ умр кўришини таъминлашга йўналтирилган **"Ақлли тиббиёт" концепциясини жорий этиш**;

– замонавий ускуналар билан жиҳозланган, малакали кадрлар билан таъминланган, юқори технологияли ва самарали тиббий хизмат шаклланиши, тиббиёт муассасаларининг илмий, услубий ва таълимга оид салоҳияти ривожланишига, соғлиқни сақлаш тизимида инновацион диагностика воситалари ва усуллари жорий этилишига кўмаклашиш;

– юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва назорати бўйича узоқ муддатли давлат стратегиясини (дастурини) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолини арзон нархдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаш;

– шифокорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шифокор ва аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва уни қонун даражасига кўтариш, шифокорларга узоқ муддатли ипотека кредитлари тақдим этилишини жорий этиш ва уларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини кўтариш. Давлат тиббиёт муассасалари шифокорлари ўртасида ҳар йили "Йил шифокор-олими", "Йил шифокор-тадқиқотчиси" "Йил эркак шифокори", "Йил аёл шифокори" "Йил ҳамшираси", "Йил тез тиббий хизмат ҳайдовчиси" каби танловлар ўтказилишини йўлга қўйиш;

– жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, болаларда, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга муҳаббат уйғотиш. Партия "Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюкдир" тамойилини ҳаётга изчил жорий қилиниши тарафдори.

Янги Ўзбекистон: инсон камолоти ва иқтидори қадрланаётган мамлакат

Мақсадимиз – **Ўзбекистоннинг таълим ва интеллектуал ривожланиш даражаси бўйича дунёда энг юқори рейтингга эга 30 та давлат қаторидан жой олишини таъминлаш.** Юксак инсон капитали, жамиятни интеллектуаллаштириш, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, давлат-хусусий шерикчилик ва хусусий сектор ресурсларидан кенг фойдаланиш, "фуқароларни бутун умри давомида ўқитиш" моделини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини ривожланган давлатлар даражасига (50 фоиздан кам бўлмаган) етказиш мамлакат рақобатдошлиги гаровидир.

Партия бу борада қуйидаги вазифаларни устувор деб билади:

– таълим тизимида рақобат муҳитининг шаклланиши, хусусий сектор ресурсларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш ҳисобига 3-7 ёшлардаги болаларнинг 73,1 фоизи ҳамда 6 ёшдаги барча болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишига эришиш;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури (платформаси)

Бошланиши 1, 2, 3-саҳифаларда.

– ҳар бир туманда камида тўрттадан хусусий мактаблар барпо қилинишига эришиш, соҳада давлат-хусусий шерикчилиги ва хусусий хизматларни жадал ривожлантириш ҳисобидан болалар учун спорт, мусиқа ва санъат мактаблари қурилишини қўллаб-қувватлаш, ана шундай объектларни реконструкция қилиш орқали болаларни оммавий спорт, мусиқа ва санъат дунёсидан баҳраманд қилиш, уларнинг бу борадаги эҳтиёжларини тўлиқ қондириш. Инглиз тили, информатика ва бошқа талаб юқори бўлган фанларни, жумладан, математика, физика, кимё, биологияни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш соҳасида хусусий секторнинг улкан имкониятларини ишга солиш;

– таълим-тарбия соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, **Таълим тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш**, унда таълим муассасаларини молиялаштириш, фаолиятини баҳолаш методологияларини жорий этиш ҳамда олий таълимда молиявий мустақилликни белгилаб берувчи қоидаларни баён этиш, мамлакатимиз халқ таълими тизимига ривожланган давлатлар тажрибаларини кенг жорий этиш, ҳудудларда таълим самарадорлиги мониторингини юритиш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш;

– илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг қўллаб-қувватланиши, амалиётга илмий ва инновацион ютуқларнинг жорий қилинишини рағбатлантириш, давлат-хусусий шерикчилиги, бизнес жамоалар ҳамда илмий-тадқиқот ва академик марказлар, муассасалар шерикчилиги институтини қўллаб-қувватлаш. Биз мазкур шерикчилик асосида ташкил қилинган замонавий лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари қошидаги технопарклар, илмий-экспериментал ихтисослашган марказлар тармоғини ривожлантириш тарафдоримиз. Бунда қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратамиз: илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, олий ўқув юртларида академик фан ва таълим жараёни интеграциясини чуқурлаштириш, ёш олимларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда технологиялар трансферини тижоратлаштириш, ишланмаларни патентлаш, лицензиялаш ва бошқалар.

Янги Ўзбекистон – бахтли инсонлар мамлакати. Ривожланган ҳудудлар – қудратли Ўзбекистон демак

Мақсадимиз – мамлакатимиз урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш, бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралар (ер участкаси, технология, кредит ва бошқалар)дан фойдаланишлари учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар билан таъминланишига эришиш. Биз тенг имкониятлар, турмушнинг юқори даражаси ва барча учун бирдек фаровонликни таъминлаш тамойилларини ҳаётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Партия янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини ривожланган инфратузилмага эга замонавий шаҳарлар ва қишлоқлар ташкил этиши, замонавий технологиялар воситасида бутун мамлакат аҳолиси турмушининг юқори даражаси таъминланиши, урбанизация жараёни халқ билан мулоқот асосида лойиҳалаштирилиши зарур, деб ҳисоблайди. Бу борадаги устувор вазифалар сирасига қуйидагилар киради:

– ҳудудларнинг табиий, маъданли хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишини таъминлаш. Биз ҳар бир туман ва маҳалла кесимида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз;

– аҳолини, энг аввало, ёш оилаларни арзон ва замонавий қулай уй-жой билан таъминлаш, аҳоли учун яшаш жойи атрофида иш жойларини яратиш, коммунал-маиший хизматлар, аҳолининг тоза ичимлик суви, электр энергияси ҳамда ишончли ва замонавий энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш имкониятини янада ошириш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

– мамлакатимиздаги шаҳарларни дунёнинг ривожланган мегаполислари модели асосида тараққий эттириш. Биз шаҳарларимизни ишбилармонлик ва бизнес марказларига, тан олинган фан, маданият, маърифат ва маънавият марказларига айлантиришни, “ақлли ва хавфсиз шаҳарлар” концепцияларини, шунингдек, шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишининг узоқ муддатли дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таклиф қиламиз. Ушбу дастурлар ҳар бир юртдошимизга ғамхўрлик қилиш, илғор амалиётлар асосида барча масалаларни самарали ва оқилона ҳал қилиш, иқтисодиётнинг бизнес драйвери сифатида шахсий ташаббусни рағбатлантириш, ҳокимликларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш каби тамойилларга асосланади;

– уйсозлик ва лойиҳалаштиришда аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, хавфсиз, ранг-баранг ва эстетик жозибали муҳитни яратиш, жумладан, имкониятлари чекланган шахсларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинган янги замонавий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш;

– аҳолига транспорт хизматлари кўрсатилишини тубдан яхшилаш, йўловчи ташишнинг хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш, йўл инфратузилмасини барпо этиш ва реконструкция қилиш.

Партия ҳар қандай жамиятнинг маданияти даражаси унинг кексалар ва хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг муносиб меҳнат қилиши ва қобилиятлари, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга кўмаклашиш партиянинг ўта муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади. Биз:

– хотин-қизлар тадбиркорлиги ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги ва инновацион лойиҳалар амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшаётган фаол, тадбиркор хотин-қизлар ва фермерларни рағбатлантиришга, уларнинг фаолияти ва илғор иш тажрибасини оммалаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширамиз;

– ижтимоий бизнесни ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш тарафдоримиз, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, энагалар, ҳайдовчилар, уй ишчилари меҳнатига оид қонунчиликни ривожлантириш, ушбу хизматлар бўйича фирмалар ташкил этиш ва уларнинг хизматидан фойдаланганлар учун мол-мулк солиғидан чегирмалар ажратиш тарафдоримиз;

– “Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият гуллаб-яшнайди” тамойилини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса – жамият шунчалик кучли, давлат эса қудратли бўлади! Биз оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига, энг аввало, унинг иқтисодий асосларини яхшилаш – оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашамиз;

– **“Турмуш қурган аёлларнинг фуқаролиги тўғрисида”ги** халқаро Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида вақтинчалик ишларни бажарувчи аёлларни ҳисобга олиш марказлари ташкил қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий кафолатларини қонуний мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Аҳолининг ночор қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатилишини яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатилишида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш устувор вазифаларимиз сирасидан ўрин олган.

Партия имконияти чекланган, ногирон шахслар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этиши, ўз бизнесини йўлга қўйиб, келажагини ўз қўли ва ҳаракатлари билан барпо этадиган реал шарт-шароитларни яратишга интилади.

Баркамол, эркин, кучли ва жасур ёшлар – жамият таянчи, келажагимиз бунёдкорлари

Ҳар жиҳатдан баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал, маънавий салоҳиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш партиянинг муҳим вазифаларидан бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш, ёшлар ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусий секторнинг қизғин ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаймиз. Устувор мақсадимиз – барча ёшлар учун ижтимоий-сиёсий истиқболни яратиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб қилишдан иборат. Шунингдек, биз ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, ёш оилалар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ёшлар учун уйлар қуриш бўйича самарали ишлар амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Партия ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратилиши, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, меҳнат бозори ва иқтисодиёт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёшларни касбга йўналтириш масалаларининг самарали ҳал қилинишига ҳар томонлама кўмаклашиш тарафдори. Биз ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиши, старт-ап лойиҳаларини амалга ошириши, ёшлар тадбиркорлиги кластерларини яратишига қаратилган чораларни қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, мамлакатнинг олий ўқув юртлари қошида ёшлар инновацион марказларини ташкил қилиш ва ривожлантиришга қаратилган ишларни ёқлаймиз.

Биз ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, улар орасидан ҳақиқий етакчиларни камолга етказиш, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, она Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик туйғусини қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини, сиёсий жараёнларга онгли муносабатини, турлича ташқи ва ички таҳдидларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетини шакллантириш, болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш партиянинг энг муҳим вазифаларидир.

Ишонамизки, **келажагимиз айнан интеллектуал салоҳияти юксак, маънан камолга етган, ўз кучи ва имкониятларига ишонувчи, кучли фуқаролик позициясига эга соғлом ёшлар қўлида!**

V. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ХАВФСИЗ, ТИНЧ ВА БАРҚАРОР МАМЛАКАТ

Кучли армия – хавфсизлик ва барқарорлик, халқнинг фаровон ҳаёти кафолати

Партия демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, халқнинг маънавий ривожланишига фундаментал вазифа – мамлакат хавфсизлигини, жамиятда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини таъминламасдан эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Конституциявий тузум ва суверенитетимизни, ҳудудий яхлитликни ҳимоялаш, мамлакатнинг мудофаа лаёқатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини ошириш масалалари ҳар доим биз учун устувордир. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги партия фаолиятининг негизида “Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик керак” тамойили туради.

Биз миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Партиянинг бу йўналишдаги асосий мақсади – миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонунчилик йўли билан тартибга солиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини амалга оширишдан иборат. Партиянинг фикрича, ҳарбий хизматга муносиб ҳақ тўланиши керак. Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ғурур, мардлик ва ватанпарварлик тимсоли бўлмоғи лозим.

Миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик – жамият ва давлатнинг муҳим кадриятлари

Партия бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликнинг мустаҳкамланиши, дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик муҳити бардавом бўлишини давлат ҳамда жамият ривожланишининг энг муҳим ва зарурий шарти, деб билади.

Биз мамлакатимизнинг қуйидагиларга асосланган миллий сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз: тенг ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда бўлиши, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мақомидан қатъи назар, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги шароитида ижтимоий ҳаётни ривожлантириш, турли миллатлар ва элатлар вакилларининг тили, урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг тараққий этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, миллатлараро тенглик ва фуқаролар тотувлиги олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Биз фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар ва элатларнинг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматларини эътироф этамиз. Биз ҳорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстлик алоқаларини уйғунлаштириш масалаларини ҳал қилишда парламент ва халқ дипломатияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланишга кўмаклашамиз.

Биз “Инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас” тамойилларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиниши, эътиқод ва виждон эркинлиги, давлатнинг дунёвий характери тўғрисидаги конституциявий меъёрларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши тарафдоримиз. Турли диний бирлашмалар билан уларнинг имкониятларидан маънавий юксалиш, умумиинсоний қадриятларни қарор топтириш мақсадида мулоқот қилиш сиёсати тарафдоримиз. Дин халқнинг маънавий таянчи ва покланишининг ҳақиқий воситаси бўлиб хизмат қилиши, одамларни тинчликка, хайрли ва савобли ишларга ундаши, этник, лисоний, диний фарқларга қарамай, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби азалий қадриятларга даъват этиши керак.

Биз жамиятда бағрикенглик муҳитининг янада мустаҳкамланиши, турли динларни нотўғри талқин қилувчи, уларнинг ниқоби остида тинч ва осойишта ҳаётга раҳна солишга интилувчи бузғунчи кучларга қарши қатъий кураш тарафдоримиз. Биз маданий ва диний экстремизмга қарши кураш сиёсати, энг аввало, “Жаҳолатга қарши маърифат билан”, “Маърифат ва таълим – тинчлик ва бунёдкорлик йўли” тамойилларининг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши асосида олиб борилишини қўллаб-қувватлаймиз. Айнан маърифат ва таълим халқларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи, одамларни хайрли ишларга, меҳр-мурувватга, бағрикенгликка етакловчи омилдир. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув – давр талаби.

Биз буюк аждодларимиз меросини, уларнинг жаҳон цивилизацияси равнақига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, англаш ва кенг оммалаштириш, конфессиялараро, миллатлараро ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш тарафдоримиз.

Ишончимиз комилки, **юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва конфессиялар вакиллари Ўзбекистонни ўз уйи деб ҳисоблайди, мамлакатимиз ягона халқини ташкил этади, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитида яшашга, жамиятдаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорликни асрашга интилади**.

Самарали, ўзаро манфаатли, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат

O‘zLiDeP мамлакатнинг қуйидаги фундаментал тамойилларга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди: умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва тамойилларга содиқлик, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келаётган низолар ва келишмовчиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш.

Парламент, халқ дипломатияси ва хусусий сектор имкониятларидан фойдаланиб, биз давлатнинг ташқи сиёсат соҳасидаги энг муҳим вазифаси – Марказий Осиёни барқарор ривожланаётган ва яқин қўшничилик муносабатлари қарор топган ҳудудга айлантиришга кўмаклашамиз.

Биз, энг аввало, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар, бутун дунё ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни давом эттиришга йўналтирилган ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлаймиз. Биз тинчликпарвар, очиқ, оқилона сиёсат юритилишига содиқ бўлиб қоламиз.

БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар, турли иқтисодий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ҳамоҳангдир. Биз халқаро иқтисодий ва молия-банк тузилмалари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом ривожланиш банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ва бошқа халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратамиз.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, етакчи хорижий сиёсий партиялар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳам устувор мақсадларимиз сирасидан ўрин олган.

Партия бундан кейин ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва илғор технологияларни миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига жалб қилиш, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суришда партияларо ҳамкорлик механизмларидан фойдаланади. Жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилиши, Орол ҳалокати ҳамда ҳозирги даврнинг турли экологик муаммоларини ҳал қилиш, жаҳоннинг йирик бозорларига чиқиш имкониятини берадиган транспорт-коммуникация йўлакларининг кўп вариантли тизимларини шакллантириш учун истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Электорат манфаатидан келиб чиқиб, партия Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижда савдо ваколатхоналари очилишига, уларнинг турли халқаро тадбирлар ва кўргазмаларда иштирок этишига, чет элларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишига фаол кўмаклашади.

Юқорида баён этилган асосий мақсад ва вазифаларни илгари суриб, партия жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш мақсадида иш олиб борувчи сиёсий куч сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилади.

O‘zLiDeP аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатлари ҳамда жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилинишига астойдил ҳаракат қилади.

O‘zLiDeP – бунёдкорлар партияси!

Биз, ислоҳотлар йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни енгиб, зиммамиздаги вазифаларни ҳалоллик ва масъулият билан бажаришга тайёрмиз!

Бетакрор юртимизга, олижаноб халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – ҳар биримиз учун юксак шараф ва муқаддас бурч!

Фаровонлигимиз бунёдкорлари – тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини тўла ифода этамиз.

Мақсадимиз – Янги Ўзбекистонни олижаноб халқимиз билан бирга барпо этиш ва унинг буюк келажагини таъминлаш!

O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими	Яшаш жойи	Номзод кўрсатган органнинг номи
	1-Нукус сайлов округи					
1	**Джиенбекова Дилфуза Дарибаевна**	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Нукус шаҳридаги “Массагет Нукус Тур” масъулияти чекланган жамияти директори	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	2-Тўрткўл сайлов округи					
2	**Мамутов Равшан Аминаддинович**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	3-Элликқалъа сайлов округи					
3	**Шарипова Дилбаржон Худайбергеновна**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Элликқалъа тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	4-Амударё сайлов округи					
4	**Юлдашев Анвар Ражапович**	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи	Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	5-Хўжайли сайлов округи					
5	**Ибрагимов Мухтар Мамутович**	1972	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Қорақалпоқ давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	6-Чимбой сайлов округи					
6	**Алдамуратов Бахытбай Умирзакович**	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Тахтакўпир тумани ҳокимининг экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари	Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	7-Орол сайлов округи					
7	**Аралбаева Бибижан Куралбаевна**	1986	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг ўринбосари	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	8-Ақманғит сайлов округи					
8	**Байрыева Алмагуль Қурбановна**	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Қорақалпоқ давлат университети миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

	9-Андижон сайлов округи					
9	**Закирова Умидахон Ахмаджановна**	1971	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби директори	Андижон вилояти Андижон шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	10-Олтинкўл сайлов округи					
10	**Қодиров Бегали Яқубович**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси	Андижон вилояти Олтинкўл тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	11-Бўз сайлов округи					
11	**Юсупова Мавлюда Камаловна**	1969	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Андижон туман бўлими раҳбари	Андижон вилояти Андижон тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	12-Шаҳрихон сайлов округи					
12	**Отахонова Одинахон Иномовна**	1974	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Иномжон файз” хусусий чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари	Андижон вилояти Шаҳрихон тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	13-Асака сайлов округи					
13	**Жалилов Абдукаримжон Абдухалимович**	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон вилояти ўсимликлар карантини ҳудудий давлат инспекцияси бошлиғи	Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	14-Марҳамат сайлов округи					
14	**Каримов Тулкинжон Пайзиевич**	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	15-Хўжаобод сайлов округи					
15	**Турғунов Абдурашид Абдуманнобович**	1983	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	16-Пахтаобод сайлов округи					
16	**Эргашев Жавлонбек Хасанович**	1989	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Андижон вилояти филиали директори	Андижон вилояти Избоскан тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	17-Қўрғонтепа сайлов округи					
17	**Авазова Зулхумор Ботировна**	1967	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Қўрғонтепа туманидаги 18-умумтаълим мактаби директори	Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	18-Избоскан сайлов округи					
18	**Наралиева Насибахон Мамановна**	1967	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон давлат университети экология ва ботаника кафедраси мудири	Андижон вилояти Андижон шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	19-Хортум сайлов округи					
19	**Бакирова Гулбахор Турсуновна**	1974	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон шаҳридаги 53-умумтаълим мактаби директори	Андижон вилояти Андижон шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	20-Чинобод сайлов округи					
20	**Ахмадалиев Тахир Мухтарович**	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази Андижон вилояти бўлинмаси раҳбари	Андижон вилояти Андижон шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	21-Истиқлол сайлов округи					
21	**Ниязов Элёрбек Рамзович**	1983	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Андижон вилояти “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раҳбари	Андижон вилояти Андижон тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	22-Жалақудуқ сайлов округи					
22	**Мирзаев Тухтасин Мамасалиевич**	1979	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жалақудуқ туман йўлларидан фойдаланиш унитар корхонаси директори	Андижон вилояти Жалақудуқ тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

	23-Бухоро сайлов округи					
23	**Баратова Мадина Хасановна**	1986	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари – “Камалак” болалар ташкилоти раиси	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	24-Когон сайлов округи					
24	**Бозоров Хайридин Ражабович**	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедиция бошлиғи	Бухоро вилояти Бухоро тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	25-Шоҳруд сайлов округи					
25	**Аслонова Эмма Сергеевна**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси	Бухоро тумани мактабгача таълим бўлими мудири	Бухоро вилояти Бухоро тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	26-Ибн Сино сайлов округи					
26	**Остонова Зебинисо Йўлдошевна**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Тадбиркор аёл” ассоциацияси Ромитан тумани бўлими бошлиғи	Бухоро вилояти Ромитан тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	27-Варахшо сайлов округи					
27	**Беҳбудова Латофат Жўраевна**	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жондор тумани ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси	Бухоро вилояти Жондор тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	28-Пайкент сайлов округи					
28	**Болтаев Жасурбек Ғуломович**	1986	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	29-Жилвон сайлов округи					
29	**Шарипов Отабек Бекмуродович**	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Таркибий ўзгартиришлар, урбанизацияни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини комплекс жойлаштириш стратегияси йиғма департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	30-Ғиждувон сайлов округи					
30	**Бафаев Шухрат Ғафурович**	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	31-Вобкент сайлов округи					
31	**Джунаитов Ғанижон Неъматович**	1982	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Вобкент тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	Бухоро вилояти Вобкент тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

	32-Жиззах сайлов округи					
32	**Мансуров Мумин Маннонович**	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жиззах шаҳридаги “Diamond carpet” масъулияти чекланган жамияти директори	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	33-Дўстлик сайлов округи					
33	**Ахмедов Туйчи Адашевич**	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жиззах давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедраси доценти в.б.	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	34-Зомин сайлов округи					
34	**Абдураҳмонов Шерали Алишер ўғли**	1992	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси Зомин тумани филиали раҳбари	Жиззах вилояти Зомин тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	35-Ғаллаорол сайлов округи					
35	**Нигматова Феруза Юлдашевна**	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	36-Пахтакор сайлов округи					
36	**Зухурова Гулзода Низомовна**	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жиззах тиббиёт коллежи директори	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	37-Шароф Рашидов сайлов округи					
37	**Тожибоев Иномжон Холбоевич**	1978	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Жиззах вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

	38-Навоий сайлов округи					
38	**Юлдашева Марҳабо Эргашбоевна**	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Навоий вилояти филиали директори	Навоий вилояти Навоий шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

	39-Қизилтепа сайлов округи					
39	**Очилов Дилшод Муродуллаевич**	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Навоий вилояти молия бош бошқармаси бошлиғи	Навоий вилояти Навоий шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	40-Зарафшон сайлов округи					
40	**Тулегенова Акшагул Абуевна**	1964	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Конимех тумани Қозоқ миллий маданий маркази раиси, Конимех тумани халқ таълими бўлими мутахассиси	Навоий вилояти Конимех тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	41-Хатирчи сайлов округи					
41	**Бапилов Махмуд Тоштемирович**	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Навоий шаҳридаги “Карманасут” ишлаб чиқариш корхонаси директори	Навоий вилояти Кармана тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	42-Нурота сайлов округи					
42	**Ёдгоров Фозил Инотович**	1966	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Нурота тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари	Навоий вилояти Нурота тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

	43-Дўстлик сайлов округи					
43	**Джалалова Фируза Рашидовна**	1974	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Наманган шаҳридаги 60-умумтаълим мактаби директори	Наманган вилояти Наманган шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	44-Сардоба сайлов округи					
44	**Марипова Мохинисса Улкановна**	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Поп “Мурувват” ногиронлар интернат уйи директори	Наманган вилояти Наманган шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	45-Тошбулоқ сайлов округи					
45	**Набиева Муяссархон Низомжоновна**	1971	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Наманган туманидаги 39-умумтаълим мактаби директори	Наманган вилояти Наманган тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	46-Косонсой сайлов округи					
46	**Якубова Динора Исаковна**	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Косонсой тумани мактабгача таълим бўлими мудири	Наманган вилояти Косонсой тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	47-Поп сайлов округи					
47	**Рустамов Улугбек Ғолибжонович**	1981	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат бюджети бош бошқармаси бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	48-Тўрақўрғон сайлов округи					
48	**Вохидов Бахтиёр Мухаммадович**	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Наманган вилояти ҳудудий вакили	Наманган вилояти Наманган шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	49-Уйчи сайлов округи					
49	**Мирзамова Барно Қосимбоевна**	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Уйчи туманидаги “Уйчи обод замини” фермер хўжалиги раҳбари	Наманган вилояти Уйчи тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	50-Учқўрғон сайлов округи					
50	**Мадалиева Наргиза Махамадалиевна**	1980	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Учқўрғон туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори	Наманган вилояти Учқўрғон тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	51-Чортоқ сайлов округи					
51	**Ахмаджанова Нигора Махмудовна**	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Чортоқ туманидаги 17-мактабгача таълим муассасаси мудири	Наманган вилояти Чортоқ тумани	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	52-Чуст сайлов округи					
52	**Султонов Нуриддин Абдухамидович**	1982	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
	53-Янгиқўрғон сайлов округи					
Тўққизинчи синфда ўқийдиган суҳбатдошим айтилган масалаларнинг амалга ошиши билан ҳаётимиз қанчалик ўзгаришини кўз олдига келтира бошлади. Менимча, энг муҳими шунда – эртанги кунга ишонч уйғота билишда. Демак, тадбиркорлар партияси мўлжални ҳам аниқ олган, стратегияни ҳам тўғри танлаган.

Омон ЭСОН

Муносабат

Хизматга муносиб ҳақ тўланса...

Одамлар орасида шундай гаплар юради: бизда жуда муҳим қонунлар, зўр дастурлар қабул қилинади. Бироқ уларнинг ижросида суст-кашликка йўл қўйилади. Натижада айримларнинг ўзгаришларга бўлган ишончига путур етади. Қўлини ювиб, қўлтиғига уради. Айни ҳолат унинг кўпнисига ўтмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Сайлов кампаниясига киришган сиёсий партияларнинг навбатдаги беш йилликка мўлжалланган дастурлари билан танишганлар орасида ҳам ана шундай кайфият юзага келиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг олдини олиш учун масъулиятни, жавобгарликни ҳис қилмоқ даркор. Худди шахмат ўйинида бўлгани сингари тақдим этилаётган режаларнинг кейинги босқичлардаги ҳолатини аввалдан кўра билмоқ зарур. Мен O‘zLiDePнинг жорий платформасида мазкур жиҳатлар яққол намоён, деб ўйлайман.

Мисол учун, хавфсизлик ва барқарорлик – халқнинг фаровон ҳаёти кафолати эканига бағишланган йўналишни олайлик. Партия демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, халқнинг маънавий ривожланишига фундаментал вазифа – мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини амалга оширмасдан эришиб бўлмаслиги масаласини илгари суради. Конституциявий тузум, суверенитетимизни, ҳудудий яхлитликни ҳимоялаш, мамлакатнинг мудофаа лаёқатини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини ошириш ҳар доим биз учун устувор мақсаддир. Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги партия фаолиятининг негизида “Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик керак” тамойили туради.

Биз миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Партиянинг бу йўналишдаги асосий мақсади – миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонунчилик йўли билан тартибга солиш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини амалга оширишдан иборат. Фикримизча, ҳарбий хизматга муносиб ҳақ тўланиши керак. Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ғурур, мардлик ва ватанпарварлик тимсоли бўлмоғи лозим.

Биргина шу йўналишни бошқа партиялар дастурларининг тегишли бўлимлари билан солиштириб кўриш кўп нарсага ойдинлик киритади. Ишонмасангиз, синаб кўринг!

Фурқат ҚАЛАНДАРОВ,
O‘zLiDeP Бектемир туман Кенгаши раиси

Акция

“Бир миллион дарахт” оммалашяпти

O‘zLiDeP Сайхунобод туман Кенгаши томонидан туман экология бўлими, “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси масъуллари иштирокида “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Бир миллион дарахт” акцияси ўтказилди.

Хабарингиз бор, мазкур акцияга Ўзбекистоннинг шимоли – Нукус шаҳрида старт берилган эди. Ушбу ташаббус доирасида Сирдарё вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳрида 100 мингтадан ниҳол экиш мўлжалланган.

– “Бир миллион дарахт” акциясининг мақсади иқлимий ўзгаришлар таъсирига қарши курашиш, дарахтларни ўстириш ва кўпайтиришга эътибор қаратишдан иборат, – деди O‘zLiDeP Сайхунобод туман Кенгаши раиси Улуғбек Ниязов.

Акцияга 300 дан ортиқ киши жалб этилди. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда аҳоли уюшқоқлиги таъминланди.

Шу куни акция иштирокчилари учун партия туман Кенгаши томонидан ҳашар оши ташкил этилди. Акция доирасида “Энг фаол уй”, “Энг намунали хонадон”, “Энг меҳнаткаш ҳовли”, “Энг тоза ҳовли” каби номинациялар бўйича ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.



Дилором ЭСОНОВА,
O‘zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

Таълим



Беш ташаббус – беш имконият

Учтепа туманидаги 193-умумий ўрта таълим мактабида "Беш ташаббус – беш имконият!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Анжуманда мамлакатимизда ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ўғил-қизларни санъат, спорт, ахборот технологиялари ва мутолаага қизиқишини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Дастлаб адабиёт ва санъатга қизиқувчан ёшлар иқтидорини намойиш этишди. Ўқувчилар ижодига оид тасвирий санъат асарлари, миллий кўғирчоқ ва либослар кўргазмаси, айниқса, "Қўғирчоқ театри" жамоасининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир, – деди мактаб директори Нигора Ғафурова. – Ўғил-қизларимизни болалигиданоқ спортга, санъатга чет тилини ўрганиш ва китоб ўқишга ошно қилишимиз келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Ўқувчилар ўртасида ташкил этилган "Менинг бағрикенг дунём!" мавзусидаги деворий газеталар танлови ғолибларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳам маданий тадбир ташкил этилди.

– Ёшларда давлат рамзларига ҳурмат туйғусини янада юксалтириш, ўқувчилар онгига ватанпарварлик, юрт истиқболига дахлдорлик хислатларини сингдириш бизнинг энг муҳим вазифамиздир, – деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилбар Тожиева.

Сурайё УСМОНОВА,
Учтепа туманидаги 193-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Янги хизматлардан мижозлар мамнун

IPOTEKA BANK

"Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиалида банк томонидан яратилаётган қулайликлар, янги масофавий банк хизматлари билан аҳолини яқиндан таништириш мақсадида "Халқаро пул ўтказмалари, пластик карталар ва улар орқали амалга оширилаётган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда айни банк тизимидаги халқаро пул ўтказмалари бўйича маълумот берилди. Жумладан, шу йилдан "Contact" халқаро пул ўтказмалари тизими фаолияти йўлга қўйилди. Уни жорий этишдан асосий мақсад – МДҲ давлатлари, хусусан, Россия Федерациясида яшаб, меҳнат фаолиятини юритаётган минглаб ватандошларимизнинг ўз маблағларини мамлакатимизга юборишлари учун қўшимча қулайлик яратиш.

"Contact" жорий этилганидан кўп ўтмай, бу тизим билан ҳамкор мижозлар учун акция эълон қилинди. Акциянинг мижозлар учун қулайлиги – Ўзбекистондан Туркияга "Contact" орқали пул ўтказмалари учун комиссия тўлови ўтказма миқдорининг 0,95 % ни ташкил қилди. Бунгача эса комиссия миқдори 1,2 % эди. Ушбу акция мижозлар ўртасида кенг оммалашиб, мазкур йўналишга пул ўтказмаларини юборишга талаб сезиларли ошди. Шундан сўнг акция янада қулайлаштирилиб, ўтказма учун комиссия миқдори 0,75 % гача камайтирилди.

Бундай акциялар "Золотая Корона" тизимида ҳам қўлланилди. Натижада банк билан ҳамкорликда ушбу тизим орқали Туркияга юборилган ўтказма учун комиссия миқдори 0,70 % гача камайтирилди.

Шу йил халқаро пул ўтказмалари бўйича мижозларга яратилган энг катта имтиёз – сентябрь ойидан "Ипотека-банк" АТИБдан "Золотая Корона" Россия Федерациясига пул ўтказмалари учун комиссия миқдори 1,5 % дан 1 % га камайтирилиши бўлди, шубҳасиз. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Ипотека-банк" АТИБ тизимида "Золотая Корона" орқали юборилган умумий ўтказмаларнинг 70 фоизи айнан Россия Федерациясига юборилган ўтказмаларга тўғри келади. Шу сабаб аксарият мижозлар бу хизматдан мамнун.

Яна бир янгиликни алоҳида таъкидлаш лозим. "Ипотека-банк" АТИБ бошқарувнинг тегишли қарори билан банкда "Азия Экспресс" халқаро пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш юзасидан "Азия – Инвест Банк" акциядорлик тижорат банки билан шартнома тузилган. Ҳозирги кунда уни йўлга қўйиш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш мақсадида "Ипотека-банк" томонидан жами 369 мингдан зиёд янги пластик карточка муомалага чиқарилиб, 1 ноябрь ҳолатига жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 млн. 825 мингтага етказилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 399 мингтага ёки 28 фоизга ошган.

Йил бошидан бери 16 341 та терминал ускуналари ўрнатилиб, 1 ноябргача уларнинг сони 43 923 донага етказилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 918 тага ёки 62,6 фоизга ошган. Ушбу терминал ускуналарининг 36 737 таси савдо ва маиший шохобчаларга ҳамда 7 186 таси жамғарма касса ва минибанкларга коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун ўрнатилган.

Банк томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойида қўшимча 297 та банкомат ускуналари харид қилиниб, шундан 136 таси ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ва аҳоли гавжум ҳудудларга жойлаштирилди. Қолган 161 таси ҳозир тегишли мутахассислар томонидан дастурлаштирилиб, банк филиаллари талаби бўйича ажратилмоқда.

Банкоматлар сони ҳам 215 тага, инфокиосклар 104 тага етказилди (136 та "Humo" ва 79 та "Uzcard" банкоматлари). 2019 йил охиригача банк томонидан қўшимча яна 20 та "Uzcard" тизими банкомат ускуналари харид қилиниб, жойларга жойлаштирилади. Мазкур банкоматлар орқали жорий йилнинг 10 ойи мобайнида жами 968 млрд. 942 млн. сўм маблағ нақдлаштирилди. Хусусан "Uzcard" орқали 955 млрд. 48 млн. сўм, "Humo" орқали 13 млрд. 894 млн. сўм. Инфокиоск ускуналари орқали 100 млн. 614 минг сўмлик тўловлар амалга оширилган.

Анжуман сўнгида мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

"Ипотека-банк" АТИБ матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида



Бунёдкорларга тасанно!

Юртимизда бунёдкорлик ишлари авж палласида. Аҳоли учун намунали уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, маиший-маданий иншоотлар барпо этилаётгани аҳоли фаровонлигининг ошиши ва шаҳару қишлоқларимиз манзараси янада гўзаллашишига хизмат қилади, шубҳасиз.

Бунёдкорлар Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясининг буюртмасига кўра таълим-тарбия масканларини бунёд этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, инвестиция лойиҳаси асосида Чиноз туманидаги Исломобод маҳалласида 125 ўринли 2-мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур замонавий 2 қаватли маскан барпо этилишида Эркин Бобоёров бошчилигидаги "Эркин қурилиш барака" хусусий корхонаси жамоаси сидқидилдан меҳнат қилди.

Олмазор қўрғони аҳолиси ҳам мамнун. Сабаби бу ерда болажонлар учун икки қаватли, барча қулайликларга эга, замонавий типдаги 6-мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилди. 2,4 миллиард сўмлик таълим-тарбия масканининг қурилиш-монтаж ишлари Элбек Холдоралиев раҳбарлигидаги "Само интер бизнес" МЧЖ қурувчилари томонидан амалга оширилди. Ўйингоҳлар, сув ҳавзаси, озиқ-овқат сақлаш омбори қурилиб, пардозлаш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасида ҳам реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Қиймати 12 миллиард сўмдан ошиқ инвестиция лойиҳасига асосан қўшимча бино ва даволаш бўлимларини бунёд этишга "МПМК-33" МЧЖ қурувчилари сидқидилдан киришган.

Тошкент вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам ижтимоий соҳа объектлари барпо этилмоқда. Масалан, Янгийўл шаҳридаги 2-ўрта таълим мактаби учун қўшимча 300 ўринли ўқув биноси қурилиши бошланди. Бу вазифани қисқа муддатда бажаришни "Нурафшонэлектромонтаж" хусусий корхонасининг моҳир қурувчилари ўз зиммасига олган. Оққўрғон туманидаги 38-мактаб учун 420 ўринли қўшимча ўқув биноси қад ростлади. Мазкур 4,2 миллиард сўмлик иморатни шай ҳолатга келтиришда "Фактор глобал бизнес" МЧЖ жамоаси жонбозлик кўрсатди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Ёзда салқин, қишда иссиқ

"Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компаниясининг Наманган вилояти филиали буюртмачилигида 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш дастури юзасидан белгиланган қурилиш ишлари олиб борилмоқда.



Суратда: (чапдан ўнгга) "Гумбаз мадад қурувчи файз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулаҳад Ҳусанов ва иш юритувчи Абдуқодир Бобомирзаев.

Норин туманидаги Норинкапа маҳалласида иккита 4 қаватли уй-жой биноси қад ростлаяпти. Мазкур арзон уй-жойни моҳир қурувчи Абдулаҳад Ҳусанов бошчилигидаги "Гумбаз мадад қурувчи файз" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари замонавий архитектура талаблари асосида тез ва сифатли даражада фойдаланишга топширишга бел боғлаган.

Полвонкўл маҳалласида эса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун майдони икки сотих 3 хонали 10 та уй барпо этилиб, эгаларига тантанали равишда топширилди. Ушбу уй-жойларни "Норингазсувмонтаж" хусусий корхонаси қурувчилари энергия тежамкор, иссиқлик сақловчи материаллардан фойдаланиб бунёд этган.



Уйчи туманида ҳам бунёдкорлар аҳоли учун бино ва иншоотлар қуриб беришди. Тепасарой массивида 4 қаватли 24 хонадондан иборат арзон-уй жой қуриб битказилди. Бу ерда Илҳом Сулаймонов раҳбарлигидаги "10-ХМКК" МЧЖ қурувчилари астойдил меҳнат қилдилар. Ушбу массивда 2,9 миллиард сўм эвазига тўрт қаватли 2-3 хонали уй-жойни "Сифат кафолат стандарт сервис" хусусий корхонаси бинокорлари фойдаланишга топшириш арафасида.

Замонавий уй-жойлар бунёд этилишида намунавий лойиҳа асосида иссиқлик сақловчи энергия тежамкор материаллардан фойдаланилгани боис ёзда салқинликни, қишда иссиқликни сақлайди.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.





Байрамона тарғибот тадбирлари

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қибрай туман Кенгаши томонидан "Янги Ўзбекистонни бирга қурамиз!" номли тарғибот тадбири ўтказилди.

Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев, Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар жорий йилги сайловлар бутунлай янгича муҳитда, ҳуқуқий шароитда ўтаётганини таъкидлашди. Партиянинг сайловолди дастурида белгиланаётган асосий ғоя ва вазифалар ҳақида атрофлича маълумот беришди.

– Бу йил мамлакат парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар илк бор Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади, – деди O'zLiDeP Қибрай туман Кенгаши аппарат раҳбари Ф.Фозилов. – Қибрай туманидан 131 мингдан ортиқ сайловчи рўйхатга олинган. Улардан 3 мингдан зиёди биринчи марта овоз берадиган ёшлар. Шу боис бу сиёсий жараёнга алоҳида тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Эстрада хонандалари Мавлуда Асалхўжаева, Умар Шамсиев, Абдурашид Йўлдошев ҳамда "Элдидо" гуруҳининг чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

***

O'zLiDeP Бўка туман Кенгаши томонидан "Давлат ҳам, ислоҳотлар ҳам, аввало, инсонга хизмат қилиши шарт!" мавзусида сайловолди тарғибот тадбири ўтказилди.

– Ўзбекистон янгиланмоқда, яшармоқда. Одамлар жадал ўзгаришлар оғушида шунчаки томошабин ёки истеъмолчи эмас, балки воқеаларнинг реал иштирокчиси бўлиб, ўзлари ҳам ўзгармоқда, – дейди O'zLiDeP Бўка туман Кенгаши раиси, "Бўстон мева боғлари" фермер хўжалиги раҳбари С. Валиев. – Фаоллик ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозоси, ижтимоий зарурратга айланди. Шу боис 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга O'zLiDePдан кўрсатилган номзодлардан умидимиз катта ва улар албатта ишончимизни оқлайди.

Таниқли санъаткор Ғиёс Бойтоевнинг дилтортар қўшиқлари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Сайлов-2019

Андижонда тайёргарлик қандай?

Халқимиз муҳим сиёсий жараён остонасида турибди. Миллий қонунчилигимиз демократик тамойиллар асосида янада такомиллашгани, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги юксалиб, турмуш фаровонлиги ошиб бораётгани сайлов жараёнларининг очиқ, ошкора ва уюшқоқлик билан ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

Андижон вилоят сайлов комиссияси томонидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳам айни мақсадга хизмат қилаётир. Бу хусусда вилоят сайлов комиссияси раиси Фурқатбек Бузруков сўзлаб берди:

— Сайлов кампаниясидаги барча чора-тадбирлар Сайлов кодекси доирасида амалга оширилляпти. Мазкур қонунда Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиблари қатъий белгиланган. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати кодексдаги муҳим янгилик, инновация дейиш мумкин. Мақсад "Бир сайловчи – бир овоз" принципини тўлиқ ва бехато амалга оширишдан иборат.

Сайлов кодексининг 10-моддасига биноан сайловчиларга имкон қадар қулайлик яратиш учун туманларнинг чегараларини ҳисобга олиб, участкалар чегараси бошқа сайлов округининг чегарасини кесиб ўтмаган ҳолда тузилди. Асосан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, ҳарбий қисмлар, фуқаролар йиғинлари ва бошқа ижтимоий биноларда жойлаштирилди. Масалан, 17-Кўрғонтепа сайлов округида 72 та сайлов участкаси бўлиб, умумий ўрта таълим мактабларида 49 та, касб-ҳунар коллежларида 7 та, тиббиёт муассасаларида 2 та, фуқаролар йиғинлари биноларида 1 та, ҳарбий қисмда 3 та ва бошқа биноларда 11 тани ташкил этмоқда. Участкаларнинг ободлиги, муҳандислик-коммуникация тармоқларининг ҳолати ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Телефон ва интернет тармоғига улаш ишлари якунига етказилаётир.

Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) бўйича вилоятда жами 179 нафар тренер 5 босқичда ўқитилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) асосида танлаб олинган 20 та сайлов участкасида ҳокимликлар, мутасадди ташкилот ва муассасалар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан хатлов олиб борилмоқда. Участка сайлов комиссияларининг 2 нафардан аъзолари СЖБАТ бўйича ўқитилди.

Халқаро матбуот марказининг ҳудудий бўлимида босма ва электрон ҳамда хорижий ОАВлар билан ишлаш, интернет тармоғида ёритишни ташкил қилиш бўйича масъуллар, сураткаш ва таржимон фаолият олиб бормоқда. Замонавий жиҳозланган, матбуот анжуманларини ўтказишга мўлжалланган кичик ва катта залларда журналистлар учун барча имкониятлар яратилган. Бугунга қадар вилоят телерадиокомпаниясида 50 дан ортиқ ролик, кўрсатув, эшиттириш ва информацион дастурлар берилди. Босма оммавий ахборот воситаларида 150 га яқин ахборот-таҳлилий кўринишдаги материаллар чоп этилди.

Сайловларни кузатиш шунчаки расмий қоида эмас, балки ушбу жараён билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда муҳим омилдир. Хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг фаол иштирок этиши сайловнинг умумийлик, тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилик, эркинлик, ошкоралик ва масъуллик каби демократик тамойилларга риоя этилишини таъминлайди.

Муҳим сиёсий тадбирни мамлакатимиз қонунчилигининг демократик қоидаларига риоя этган ҳолда ўтказиш, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдиришга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, албатта, бош вазифадир. Жараённинг "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ташкил этилишида чуқур маъно бор.

Ўз мухбиримиз

Қонунчилик назорати

Агросаноат мажмуи

тизимли назорат механизми яратилади

Бу йил Андижон вилоятида 69 минг 945 гектар майдонга такрорий экин экиш мўлжалланган эди. Шундан 16 минг 296 гектарида сабзавот етиштириш кўзда тутилган. Картошка, шоли, кунгабоқар, ерёнғоқ, полиз, дуккакли ва озуқа экинлари, 1 минг 100 гектардан зиёдига супурги экиш режага киритилган.

Қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш мақсадида ана шундай хайрли ҳаракатлар амалга оширилди. Бироқ ўрганишлар жараёнида баъзи туманларда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди.

– Андижон, Асака, Балиқчи туманларида картошка уруғлиги вақтида келтирилган бўлса-да, экиш ишлари пайсалга солингани аниқланиб, камчиликлар жойида бартараф этилди, – дейди **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи Абдуғаффор Сулаймонов**. – Булоқбоши туманида сабзавотларни экишда қўшиб ёзиш ҳолатлари учрагани эса ачинарли. Масъуллар 6,5 гектар майдонга картошка экилди, дея сохта маълумотни расмийлаштирар экан, бунинг миси чиқишини наҳот билишмаган бўлишса?! Асака туманида ҳам айрим чалкашликлар бор. "Гулнора Қурбонова замини" фермер хўжалигида режага кўра 6,8 гектар майдонга сабзавот экилиши зарур эди, бироқ унинг ўрнига чорва озуқаси учун экин экилганига нима дейсиз? Бу мутасаддиларни очиқдан очиқ алдаш эмасми? Шаҳрихон туманининг Ўрта Шаҳрихон массивидаги "Муҳаммаддиёр олтин даласи" фермер хўжалигида ҳам 10 гектар майдонга озиқ-овқат маҳсулотлари учун экин экилиши ўрнига ўзбошимчаликка йўл қўйилиб, маккажўхори уруғи сочилган. Селектор мутахассислари томонидан экин майдони буздирилиб, режадаги экин экилиши таъминланди.

Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг қишлоқ хўжалиги тизимида қатъий назорат механизмини яратиш вазифаси қўйилди. Бу мустақил диёримизни нафақат хомашё етказиб беручи ҳудуд, балки жаҳон бозорини она еримизнинг олтин саховатидан шира олиб, сахий қуёшимиз тафтига тўйинган маҳсулотлар билан таъминловчи минтақа сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Инспекциямиз зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилгани бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди. Аввало, соҳада қонунчилик талабларига риоя этилиши зарур. Давлат буюртмаси ҳар қандай шароитда режали амалга оширилиши, маҳсулотлар сифати назоратга олиниши ҳамда нобудгарчиликка йўл қўйилмаслиги доимий эътиборда туради. Навларнинг генетик софлиги, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, чорвачиликда наслчилик масаласи, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг ҳолати, сервис ва таъмирлаш хизматлари оқилона тарзда тартибга солинади.

Андижон шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш долзарб масала бўлиб келган. Йирик "Андижон" сувомборига ҳар лаҳзада 90 кубометр сув келиб қуйилади. Ҳар секундда 252 кубометр чиқиш сарфи аниқланган. Туманларга бир кунда ўртача 265,4 кубометр сув тақсимланади. Ана шу тақсимот қатъий назоратга олиниши шарт. Афсуски, Андижон туманининг Шарқ юлдузи массивидаги "Тўхтабой Сойибжон", "Давронбек Дурбек", "Хайрихон Қўлдош", "Азизбек" фермер хўжаликларида сувчиларнинг эътиборсизлиги туфайли пахта майдонларининг айрим қисмларини қўллатиб юбориш, даланинг йўл қисмига сув оқовасини ташлаб қўйиш ҳолатлари аниқланди. Бундай палапартишлик Жалақудуқ туманидаги "Кифоят дурдонаси", "Бек Алиевич қирлари", Бўз туманидаги "Абубакр довруғи" фермер хўжаликларида ҳам кузатилди ва камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинди.


Инспекциямизнинг туман бўлимлари томонидан бундай ҳолатлар ҳуқуқбузарлик дея топилиб, тегишли тартибда огоҳлантириш чоралари кўрилмоқда. Мақсад қишлоқ хўжалигида адолатли қонунчилик назорати тизимини яратишдир.

"XXI asr" мухбири Зилола РАҲМОНОВА ёзиб олди.

Реклама ҳуқуқида

Қилмиш-қидирмиш

Фирибгарлик деган бир иллат борки, унга мубтало кимса ҳамиша содда ва ишонувчан одамларни чув тушириш пайида бўлади. Бировнинг ишончига кириш орқали алдаш ва суиистеъмол қилишга ўтади, моддий ва мулкий қимматликларини ўзлаштириб, манфаат топишни ўйлайди. Бироқ билмайдиларки, шаҳар бедарвоза эмас!



Ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб бермоқчи эди...

Азизбек Асқаров (исми-фамилия ўзгартирилган) Тошкентдаги ҳайдовчиларни тайёрлаш мактабларидан бирида амалий машқ устаси лавозимида туппа-тузук ишлаб келаётган эди. Бўш вақтида жамиятга тегишли "Нексия"да кира қилаётганида Малика Солиҳова мижози бўлди. Йўл-йўлакай суҳбат асносида ўзининг қаерда ишлашини айтиб ўтди, телефон рақамлари алмашилди. Сўнг ора-сира суҳбатлашиб, ҳол-аҳвол сўраб турилди.

Кунларнинг бирида Малика ҳайдовчилик гувоҳномаси олмоқчи эканини, аммо ўқишдан ортмаётганини айтиб қолди. Қизиганининг бу гапи Азизбекнинг анчадан бери хаёлида айланиб ётган режасини амалга ошириш вақти келганини англатди.

– Бу муаммо эмас, мана мен борман-ку, сизга битта "права" олиб беролмасам, нима қилиб юрибман? – керилди у.

– Ростданми? – қувонди Малика.

– Албатта, кўришсак, тушунтириб бераман.

Хуллас, юзма-юз бўлганларида Азизбек автомактабда ишлайдиган танишлари орқали Маликанинг дарсларга қатнамасдан ҳайдовчилик гувоҳномаси олишини ҳал қилиб беришини, бунинг учун кассага тўлаш учун 2 400 000 сўм ҳамда тиббий маълумотнома ва домлаларнинг оғзини ёпиш учун 600 000 сўм, жами 3 000 000 сўм берса кифоя эканини айтди.

Малика бунга рози бўлиб, керакли маблағни жамғариб борди. Пул ҳисобга етганда "кўмакчи"га телефон қилди. Эртаси куни учрашишга келишдилар. Лекин суҳбат асносида Азизбекнинг овозидаги ёлғонни англатувчи оҳанглар қизнинг гумонини оширди. Шу боис тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этди. Тезкор тадбир натижасида Азизбек Маликадан 3 миллион сўмни олаётганда қўлга тушди. Унинг қилмиши судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомалари, телефон сўзлашуви стенограммаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланди.

Олий суд пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳоказо), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага киритилгани билан белгиланади.

Суд Азизбек Асқаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, қилмишининг сабаблари, унинг шахси ва ёшини инобатга олиб, жиноятларни ғараз мақсадларда содир қилганини айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топди. Ўз навбатида, у айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, моддий зарар мавжуд эмаслиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши ва қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилди. Шундан келиб чиқиб, унга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида 5 068 250 сўм жарима жазоси тайинланди.

Эътибор берганингиздек, Азизбек фирибгарлик билан бир сўм топаман деб беш сўмидан айрилди. Эгрилик эш бўлмаслигининг амалдаги исботи эмасми бу?!

Нуриддин ЖЎРАЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Яккасарой туман бўлими бошлиғи

Аҳмад ДОНИШ:

Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас...

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Аҳмад Донишнинг 16 та асари сақланади. Аксарияти муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган. Алломанинг "Наводир ул-вақое" асари таркибида "Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола"си ҳам мавжуд. Аҳмад Дониш подшоҳнинг халқ олдидаги масъулиятини 10 шарт асосида кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Муҳаммад Қозининг "Ҳукмдорга ўгитлар", Жан-Жак Руссонинг "Ижтимоий шартнома"сини ёдга солади.

Маърифатпарвар Садри Зиёнинг эътирофича, Аҳмад Дониш бутун умрини амир, вазир, қозикалон ва бошқа амалдорларни келажакдан огоҳ этиш, оддий одамларга зулм ўтказмасликка чорлаш, уларни зўравонлик, бераҳмликдан қайтаришдек эзгу ишларга сарфлаган, лекин жамият ҳаётида бирор ўзгариш кўрмаган.

Аллома "Агар давлат ақл, онг принципларига мувофиқ тарзда ташкил этилмаса ва бошқарилмаса, ундай давлатдан яхшилик кутиш мумкин эмас", деб ҳисоблайди. Халқ ичидаги оқил одамлардан махсус кенгаш (парламент) тузиб, давлатни идора этиш ғоясини илгари суради: "Подшоҳга лозимдирки, катта бир машваратхона очсин. Бундай иш ҳозирги низомлик давлатлар ичида мамлакат тутишнинг энг муҳим ишларидан ҳисобланади. Мамлакат халқининг турли табақаларидаги энг ақлли ва илмли одамлардан машваратхонага аъзо сайлаб, уларга маош тайин қилсин. У жойга йиғилган машваратчилар халқнинг ҳамда давлатнинг манфаатини кузатиб фикр юргизсинлар. Улар нима нарсага иттифоқ қилган бўлсалар, у ишни амалга оширсин. Машваратхонада доимий туришлари лозим эмасдир, балки сайланмиш одамлар ҳар куни бир неча соат тўпланиб, мамлакатнинг фойда ва зарарларини текшириб турсалар кифоя".

***

Одам яратилгандан сўнг унинг туганмас бахти илм ва маърифатда бўлади. Унинг ихтиёри ўзида бўлса, илмсизлик ва дангасаликка бўйин эгмасин, чунки илм ва маърифат руҳнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир.

***

...Ҳақ йўлдан адашмаслик учун ҳамма одамлар кўнглида бир турли сезги қуввати яратилгандир. Мана шу орқали одамлар тузукни бузуқдан, яхшини ёмондан ажрата оладилар.

***

Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас... Ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайди.

***

Подшоҳ ҳукм устида мумкин қадар юмшоқлик билан сўзлаб, заруратсиз ҳолда қаттиқ гапирмасин. Ҳар ишнинг ҳужжат ва далилларини текшириб, уни эшитишдан зерикмасин. Мискин ва



фақир кишилар билан ўтириб суҳбатлашмоқдан номус қилмасин...

***

Маълумки, давлат ва салтанатнинг қурилиши учун фуқаро жамияти ва вилоятлар тузилиши керакдир. Бунинг учун мамлакат ободлиги ҳамда етарли аскарнинг бўлиши лозим. Чунки буларсиз ҳеч бир давлатнинг сақланиши мумкин эмасдир. Аскарсиз шоҳ бўлмайди, хазинасиз аскар яшай олмайди. Халқ кўпайиб, ободлик бўлмаса, хазина бойлиги кўпаймайди. Мамлакат обод бўлмагунча фуқаро жамияти бўлмайди.

***

Мамлакат келинга ўхшайди, ҳар хил ҳунармандлар эса унинг зеби зийнатларидир. Булар қанча кўпроқ бўлса, мамлакат ҳам шунчалик зийнатланади.

***

Ҳукмдор ҳамиша оқил олимлар суҳбатларига ташна бўлиб, уларнинг насиҳатларини ғанимат билсин.

***

Давлат раҳбари кимнинг кўз қуввати, фаҳм қуввати кўпроқ бўлса, ундай одамни элчиликка тайинласин. Қайси одам шижоатли ва ғайратли бўлса, уни аскар бошлиғи қилиб, душманга қарши урушга ва қалъаларни олишга чиқарсин. Агарда инсофли ва диёнатли бўлса, қозилик, ҳокимлик мансабларини берсин. Агарда олий ҳиммatли ва ақлли бўлсалар, уларни вазир ва амирликка тайинласин.

***

Бир мамлакатда тинчлик ва мўлчилик бўлиб, бунинг овозаси атрофга тарқалса, буни эшитган савдогар, ҳунарманд ва олимлар ҳар томондан кела бошлайди.

***

Халқдан ушур ва хирожларни йиғишга, давлатнинг бутун молия хизматларини бажариб туришга адолатли кишилардан закотчи тайинласин.

***

...Дунёда ҳар қандай меҳнат (чунончи, оддий меҳнаткаш бўлиш), гўлахлик қилиш номус иш эмасдир. Чунки у хизмат ҳақини олади. Ҳақиқатга келганда шоҳ-гадо ҳаммаси ҳам хизматчидир.

***

Ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди, ҳаракатсиз мақсадга етиб бўлмайди. Ялқовлик қилиб, ўз юкини ўзи кўтармай, бошқалар устига ортар экан, ундай одам инсонлик шарафини йўқотиб, кишилик қаторидан чиқади.

Маънавият



"БИЗ ҲАМ БОЛА БЎЛГАНМИЗ"

Тарбия масаласи ҳар қандай давлат ва жамиятда муҳим аҳамиятга эгалиги аён ҳақиқат. Аллома боболаримиз фарзанд камолотида оила, ота-она, қолаверса, маҳалла-кўй, боғча-мактаб жуда катта роль ўйнашини бежиз қайта-қайта таъкидлашмаган. Шу маънода бизнинг 2-мактабгача таълим ташкилотимизда олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар хусусида алоҳида тўхталишни жоиз деб билдик.

Айни пайтда "Қуёшча" номли муассасамизда 14 та гуруҳ фаолият юритаётган бўлса, 428 нафар болажонга 14 нафар тажрибали тарбиячи ўз фарзандидек беминнат хизмат кўрсатяпти. Табиийки, эртамиз эгаларига барча шарт-шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган хайрли ишлардан бири мактабгача тарбия муассасаларида ҳам кичкинтойлар қалбида китобга меҳр-муҳаббат уйғотиш, мутолаага қизиқтиришдек масъулиятли вазифани амалга ошириш йўлида биз ҳам камарбастамиз. Яширмаймиз, ҳозирги замонда ҳали боғча ёшига етмаган болага ҳам телефон кўрсатсангиз, беихтиёр талпина бошлайди, ҳатто ундаги расм ўйинларга қизиқиб қолади. Бу ҳолдан айрим узоқни кўролмаётган ота-оналарга ўхшаб қувонмаслик керак, аксинча, боласининг тарбияси билан жиддий шуғулланишни маслаҳат бериш зарур. Сабаби ҳар қандай ёшдаги ўғил-қизимизнинг дунёқараши, тафаккурини шакллантиришда телефон ёки интернет ўйинлари эмас, балки қизиқарли китоб, қўлланма, газета-журналларнинг ўрни беқиёс.

Шуларни эътиборга олиб, биз яқинда боғчамизга таниқли ижодкорлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири, шоир Сирожиддин Рауф ҳамда "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалилни таклиф этиб, ажойиб кеча уюштирдик. Муболаға эмасу, болажонларимиз меҳмонларни ҳайратга солди.

Шоирларимиз ижодларидан намуналарни ўзбек, рус, инглиз тилларида бурро-бурро айтишларидан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Ўз навбатида, икки ижодкор митти мезбонларга ўз шеърларидан ўқиб беришди, болалик хотираларини тўлқинланиб сўзлашди.

Наргиз СИДДИҚОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 2-МТТ раҳбари.

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Қарор ва ижро

Энергетик менежмент

Мазкур тизимнинг корхоналарда жорий этилиши иқтисодий юксалиш ва табиат мусаффолигини сақлашда катта аҳамиятга эга

Ёқилғи-энергетика соҳаларини комплекс ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификациялаш бўйича мамлакатимизда босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолининг энергия ресурсларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Айни ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва инновацион ривожланишга тўсиқ бўладиган электр энергетикаси ва нефт-газ соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, халқимизни муҳим ресурслар билан доимий таъминлаш мақсадида жорий йилда Энергетика вазирлиги ташкил қилинди. 22 августда эса Президентимиз "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Асосий мақсад илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда мавжуд ресурслар ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш, ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдир.

Ўз навбатида, ҳужжатда Энергетика вазирлиги ва "Ўзстандарт" агентлиги зиммасига бир қатор вазифалар қўйилди.

Хусусан:

энергия самарадор, энергия тежовчи технология ва ускуналарга нисбатан талабларни ўрнатувчи стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларни кўриб чиқиш;

2019-2020 йиллар давомида энергия самарадор, энергия тежовчи технологиялар, ускуналар ва уларни синаш методларига нисбатан талаблар ўрнатувчи зарур халқаро стандартларни қабул қилиш;

2020 йилнинг 1 августига қадар энергия сарфловчи ускуналарни энергия самарадор ва энергияни тежаш кўрсаткичларига мувофиқлигини синовдан ўтказувчи замонавий лабораторияларни ташкил қилиш.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш йўл харитасида вазирлик ва идоралар томонидан ISO 50001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ тизим жорий этилишини "Ўзстандарт" агентлиги мониторинг қилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида агентликнинг ҳудудий бўлинмаси саналган бизнинг "Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонамиз бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти тасдиқлаган тармоқ жадвалига биноан "Қўнғирот сода заводи" масъулияти чекланган жамиятининг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги баҳолашдан ўтказилди ва тизимли ишлаб чиқиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу борада раҳбарият вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тайинланган. "Ўзкимёсаноат"да ўтказилган "Корхонада ISO 50001 халқаро стандарти бўйича энергетик менежмент тизими қандай жорий этилади?" мавзусидаги ўқувда икки нафар малакали ходимимиз иштирок этди.

Ҳозирда марказимиз ходимлари тадбиркорлик субъектларига бориб, янгиликни жорий этиш афзалликлари, талаблари ва фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ўтказмоқда. Айни пайтгача Қорақалпоғистон Республикасида жами 269 та корхонада менежмент тизимлари жорий этишга эришилди. Улардан 254 тасида ISO 9001 стандарти асосида сифат менежмент тизими, 4 тасида ISO 14001 экологик, 2 тасида OHSAS 18001 касб хавфсизлиги, 4 тасида ISO 22000 озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва 1 та корхонада ISO 50001 энергетик менежмент тизимлари жорий этилган. Ўтаётган йилнинг ўзида 31 та корхонада менежмент тизимларини қўллаш ишлари олиб борилиб, уларнинг 18 таси сертификатлаштирилди.

"Тахиатош нефть базаси" масъулияти чекланган жамиятида сифат, экологик ва касб хавфсизлиги менежмент тизимлари интеграллашган ҳолда жорий этилди ва сертификатлаштирилди. Энергия сарфи ҳажми катта бўлган йирик корхона – "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятида эса сифат менежмент тизимига қўшимча яна 2 та – ISO



14001 ва ISO 50001 стандартларига мувофиқ экологик ва энергетик менежмент тизимлари жорий этилди ҳамда муваффақиятли сертификатлаштирилди. Бу ишлар жамиятда энергия самарадорлигини баҳолаш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш имконини беради.

Айтиш жоизки, ISO 50001 халқаро стандарти катта-кичиклиги, тури, жараёнлар мураккаблиги, географик жойлашуви, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ва кўрсатадиган хизматларидан қатъи назар, барча ташкилот учун қўлланилади. Афзаллиги шундаки, у ташкилот учун энергетика хусусиятларини яхшилаш имконини беради. Энергетика менежментини бизнес амалиётга интеграциялашуви орқали ташкилот ўз энергетика хусусиятларини мунтазам яхшилаб боради. Харажатлар камайиши ҳисобига, табиийки, корхонанинг рақобатбардошлиги ошади. Энг асосийси, энергия истеъмоли билан боғлиқ иссиқхона газлари чиқишини камайиши натижасида глобал иқлим ўзгаришларининг олди олинади.

Шу боис энергия сарфи юқори, экологияга ножўя таъсири кучли бўлган ишлаб чиқариш субъектларининг раҳбарлари ўз корхоналарида менежмент тизимларини жорий этса, нафақат ўз фаолиятлари ривожига, балки она табиатимиз мусаффолигини сақлашга ҳам катта ҳисса қўшган бўларди.

Баҳодир САПАРОВ,
"Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси бўлим бошлиғи, эксперт-аудитор

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZLIDEP
XASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлкин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ, Фаррух ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда **0009**-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 1158** Тираж: **23545**
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – **23:55**
Топширилди – **00:35**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Бехзод ИСРОИЛОВ.